БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-йил чиқиши
№ 76 (1338)
17 АПРЕЛЬ ЖУМА 1959 йил
БАҲОСИ 20 тийин

Шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари! Етти йилликнинг биринчи йили бўлган 1959 йилги халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақасини янада кенг авж олдирайлик!

(КПСС Марказий Комитетининг 1959 йил 1 Май муносабати билан чиқарган Чақириқларидан).

Социалистик мусобақа ва партия ташкилоти

Социалистик мусобақа совет жамиятининг қудратли ҳаракатлантирувчи кучи, чинакам оммавий, умумхалқ ҳаракатидир. Улуғ Ленин кўрсатиб ўтганидек, мусобақа шундай катта иш майдоники, миллионмиллион меҳнаткашлар бу иш майдонида ўзларини кўрсата оладилар, ўз талантларини рўёбга чиқариш имкониятига эга бўладилар.

Мусобақа олинган мажбуриятларни ҳеч сўзсиз бажариш, олдинда борадиганларни рағбатлантириш, илғорлар тажрибасини ёйиш, кейинда қолаётганларни олдингилар қаторига етказиб олишда ғоят катта роль ўйнайди. Унинг таъсирчанлиги ва ғолиб кучи ҳам худди шундадир.

Совет кишилари беш йилликларни бажариш вақтида илғорлар тажрибасидан, мусобақанинг рағбатлантирувчи катта ижодий кучидан кенг фойдаланиб, ўз лаёқатларини ҳар томонлама ўстира олдилар. Партия ташкилотлари эса бу оммавий ҳаракатга бошчилик қилиб, ажойиб муваффақиятларни қўлга киритдилар.

Мамлакатимизда коммунизм қурилишини кенг авж олдириш программасини чизиб берган КПСС XXI съезди совет кишиларининг меҳнат соҳасидаги ғайрат ва ташаббусини зўр куч билан тўлқинлантириб юборди, етти йилликнинг улкан вазифаларини муддатидан илгари бажариш учун умумхалқ мусобақасининг янги формаларини — коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлик ҳаракатини юзага чиқарди.

Областимиздаги кўпгина партия ташкилотлари ҳозирги вақтда асосий эътиборни съезд қарорларида белгилаб берилган улуғвор вазифаларни бажаришга қаратиб, мўлжалланган аниқ маррани кўзлаб иш кўрмоқдалар, реал имкониятлар ва резервлардан фойдаланишни ҳисобга олган ва мажбуриятларнинг конкрет бўлишини таъминлаган ҳолда социалистик мусобақани чинакам оммавий ҳаракатга айлантирмоқдалар.

Яқинда газеталаримизда область қишлоқ хўжалик ходимларининг 1959 йилги социалистик мажбуриятлари эълон қилинди. Мажбуриятда бу йил областимиз бўйича 460 минг тонна пахта етиштириш, ҳар гектар ердан олинадиган пахта ҳосилини 23 центнерга етказиш, яъни ҳосилдорликни гектар бошига 4 центнерга ошириш, 140 минг тонна миқдорида луб экинлари, 117 минг тонна картошка, 185 минг тонна сабзавот, 114 минг тонна полиз экинлари маҳсулоти, 20 минг тонна мева, 37 минг тонна узум етиштириш, пилла тайёрлашни 900 тоннага етказиш, 20 минг тонна гўшт, 60 минг тонна сут, 1100 тонна жун, 15 миллион дона тухум тайёрлаш, ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сутни ўрта ҳисобда 1800 килограммга, шу жумладан колхозларда 1700, совхозларда 2000 килограммга етказиш конкрет қилиб кўрсатилган.

Маълумки мажбуриятлар қуруқ мақтаниш, лоф уриб ўзини қаҳрамон қилиб кўрсатиш, фақат ном чиқариш учун эмас, балки уни амалда бажариш, ҳаётга чинакам тадбиқ этиш учун олинади. Шундай экан, қабул қилинган мажбуриятлар конкрет ва реал бўлиши лозим. Пуч ваъдалардан иборат қуруқ, асоссиз оширилган ва бажарилишига ҳеч кимнинг кўзи етмайдиган мажбуриятлар қабул қилинишига йўл қўйиш — берилган ваъданинг бурдини кетказиб қўяди, ишга зарар етказади, холос.

Лекин очиқ эътироф қилиш керакки, кейинги вақтда областимизда шовқин-сурон кўтариб, тантанали ваъдалар бериш ва катта-катта мажбуриятлар олиб, уни бажармаслик одат тусига кириб қолди. Бироқ, олинган мажбуриятлар бажарилмаётир. Бунинг сабаби шундаки, кўпинча бизда мажбуриятлар йил бошида реал имкониятлар ҳисобга олинмай қабул қилинади, бунинг устига олинган мажбуриятларни бажариш учун масъулият оширилмайди ва социалистик мусобақани ташкил этишда шаблонга, кампаниячиликка йўл қўйилади.

«Биз, — дейди ўртоқ Хрущев,— мусобақани тўғри ташкил қилишимиз ва олинган мажбуриятларни бажариш учун масъулиятни оширишимиз зарур. Уят бўлса ҳам шуни айтиш керакки, йил бошида катта-катта мажбуриятлар олиб ўзларини қаҳрамон кўрсатиб юрадиган ходимларимиз бор, йил охирига келганда эса, мажбуриятлар бажарилмай қолиб кетади, бунинг учун жавоб берадиган одам топилмай қолади».

Мажбурият олдингми, уни албатта бажар! Партия, бутун халқ, етти йиллик планни муваффақиятли бажариш манфаатлари шуни талаб қилади.

Бошланғич партия ташкилотлари омманинг ижодий ташаббусига чинакам бошчилик қилувчи, уни хўжаликнинг барча тармоқларини ривожлантириш учун курашга актив сафарбар этувчи жуда катта кучдир. Уларнинг ҳозирги энг муҳим вазифаси — олинган мажбуриятларни ҳар бир кишининг онгига етказиш ва унинг бажарилишини кун сайин контроллик қилиб боришдан, социалистик мусобақани бутун чоралар билан ривожлантириш, унга моҳирлик билан бошчилик қилишдан, ҳар бир колхозчи, совхоз ишчиси ва механизаторнинг етти йилликнинг биринчи йили планларини муддатидан илгари адо этиш учун курашга тўла сафарбар этишдан иборат.

Мажбурият қабул қилинди. Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришнинг ҳозирги масъулиятли даврида колхоз, совхоз далаларида экишни агротехника муддатида сифатли ўтказиш, бу соҳада техникадан унумли фойдаланиш ва бошқа ташкилий тадбирларни амалга ошириш учун социалистик мусобақа авж олиб кетди. Лекин мажбурият қуруқ ваъда бўлиб қолмаслиги, мусобақа эса расмиятчилик ва кампаниячиликка айланиб кетмаслиги, уни ташкил этишда юзакичилик ҳамда формализмга мутлақо йўл қўйилмаслиги керак.

Социалистик мусобақани ташкил этишда илғорлар тажрибасини ўрганиш ва пропаганда қилиш катта аҳамиятга эгадир. Колхозлар ва совхозларимизда илғор звеноларр, трактор-далачилик бригадалари ва чорвачилик фермалари бор. Уларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш, шу йўл билан қолоқ колхозлар, совхозлар, звеноларр ва бригадаларни илғорлар даражасига кўтариб, умумий юксалишга эришиш, область қишлоқ хўжалиқ ходимлари кенгашида қабул қилинган мажбуриятда айтилганидек,бу йил областимизда ҳар гектар ердан 20 центнердан кам ҳосил оладиган битта ҳам колхоз, совхоз қолмаслигига эришиш партия ташкилотларининг энг муҳим вазифасидр.

КПСС Марказий Комитетининг 1 Май муносабати билан Чақириқларида бундай дейилади: **«Шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари! Етти йилликнинг биринчи йили бўлган 1959 йилги халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақасини янада кенг авж олдирайлик!»**

Пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларидаги ҳамма ишларни, шунингдек пахта теришни механизациялаштириш мажбуриятларимизни бажаришнинг муҳим шартларидандир. Шунинг учун ҳам партия ташкилотлари, коммунистлар ва комсомоллар асосий эътиборни комплекс механизациянинг афзалликларини қунт билан тушунтиришга, бу соҳадаги ўжарлик ҳамда консерватизмга қарши кураш олиб боришга, шу мақсада сиёсий-тарбиявий воситаларнинг ҳаммасидан кенг фойдаланишга қаратишлари керак.

Социлистик мусобақани кенг авж олдирайлик ва олинган мажбуриятларнинг ҳеч сўзсиз бажарилишини таъминлайлик.

Ўзбекистон КП Тошкент область комитетида

Пискент районида чигит ва маккажўхорини квадрат-уялаб экиш юзасидан олинган мажбуриятнинг қониқарсиз бажарилаётганлиги ҳақида

Область партия комитети бюроси Пискент районида чигитни ва маккажўхорини квадрат-уялаб экиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятнинг бажарилиши масаласини муҳокама қилди.

Область партия комитети VII пленумининг комплекс механизациялаш ва ғўзани кетмонсиз парвариш қилиш масаласидаги қароридан район партия комитетининг секретари Латипов, район ижроия комитетининг раиси Магазов, «Пискент» совхозининг директори Ҳайдаров ва партия ташкилотининг секретари Мирқобилов ўртоқлар ҳалигача ўзларига тегишли амалий хулоса чиқариб олмаганлар, чигит ва маккажўхорини квадрат-уялаб экиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятнинг бажарилишига масъулиятсизлик билан қарэб ғўзани парвариш қилишнинг прогрессив методини барбод қилиш йўлидан борганлар. 14 апрелга қадар районда 3063 гектар ёки планга нисбатан 29,6 процент ерга чигит экилган. Шу жумладан 563 гектар ёки 12,2 процент ерга режа сими тортиб, квадрат-уялаб чигит экилган. «Пискент» совхозида 1468 гектар ёки планга нисбатан 28,2 процент ерга чигит экилган. Шундан 189 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экилиб, бу соҳадаги план 7,3 процент бажарилган.

Маккажўхори экиш топшириғи 42,4 процент бажарилган, фақат 5 гектарга яқин ерагина квадрат-уялаб маккажўхори экилган.

Область партия комитети бюроси Латипов, Магазов, Ҳайдаров, Мирқобилов ўртоқларнинг социалистик мажбуриятнинг бажарилишига бундай нотўғри ва масъулиятсиз муносабатда бўлаётганликларини қоралади ва уларни огоҳлантирди. Область партия комитетининг навбатдаги бюро мажлисида Пискент район партия комитетининг чигит ва маккажўхорини квадрат-уялаб экиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботини эшитишга қарор қилинди. Область совхозлар трестининг директори Ўртоқ Иброҳимовга «Пискент» совхозига ёрдам бериш, у ерга агроном ва инженер механизаторларни юбориш тавсия қилинди.

Область партия комитети бюроси Боёвут, Бўка, Юқори Чирчиқ, Оржоникидзе, Ўрта Чирчиқ, Сирдарё, Чиноз районлари партия комитетлари секретарларининг ҳам диққат эътиборини чигит ва маккажўхорини квадрат-уялаб экиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларнинг қониқарсиз бажарилаётганлигига қаратди.

Москва, Ленинград, Тошкент шаҳарларининг аҳолиси учун!

Самарқанд райони қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг мажбурияти

КПСС XXI съезди тарихий қароларидан руҳланган Самарқанд районининг қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари майолди социалистик мусобақасига қўшилиб, Москва, Ленинград, Тошкент аҳолисининг ва саноатнинг мева консерва маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида сабзавот, картошка, мева, узум, гўшт, сут, қуруқ мева ва кишмиш етиштириш юзасидан ўз зиммаларига юксак мажбурият олдилар. Район меҳнаткашлари яқин 2-3 йил ичида Самарқанд аҳолисининг сабзавот, картошка, узум, мева ва сутга бўлган талабларини тўла қондириш ҳамда мамлакатнинг саноат марказларига анчагина миқдорда қуруқ мева ҳамда кишмиш юборишга сўз бердилар.

Самарқандликлар 1959 йилда давлатга 27 минг тонна узум, 4500 тонна мева, 42 минг тонна сабзавот, 12 минг тонна қовун-тарвуз, 6 минг тонна сут, 1600 тонна гўшт, 2 миллион дона тухум сотиш мажбуриятини олдилар. Район меҳнаткашлари ҳосилдорликни ошириш, экин майдонларини кенгайтириш ва бошқа бир қатор тадбирларни амалга ошириш ҳисобига етти йилликнинг охирига бориб, камида 50 минг тонна узум, 13 минг тонна мева етиштиришни мақсад қилиб қўйдилар. Шунингдек сабзавот картошка, қовун-тарвуз етиштириш юзасидан мўлжалланган 1965 йилдаги даражага 1962 йилдаёқ эришишни вазифа қилиб қўйдилр.

Шунингдек район меҳнаткашлари комплекс механизацияни кенг жорий қилиш ҳисобига қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш мажбуриятини олдилар.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Республика Министрлар Совети сабзавот, картошка, қовун-тарвуз, мева ва узум етиштириш юзасидан белгиланган етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш мажбуриятини олган Самарқанд райони колхозчилари, совхоз ва РТСларнинг ишчилари ва қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг ташаббусини маъқуллади ва барча қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларини самарқандликлардан ўрнак олишга чақирди.

Катта Кремль саройида

16 апрелда РСФСР Олий Советининг сессияси кун тартибидаги навбатдаги масалани — «РСФСР Олий Совети Президиумини сайлаш» масаласини қараб чиқди.

Партия группаси ва Оқсоқоллар кенгашининг топшириғига мувофиқ РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси, унинг ўринбосарлари, шунингдек РСФСР Олий Совети Президиумининг аъзолари тўғрисида таклиф билан А. Б. Аристов сўзга чиқди.

КПСС Марказий Комитетининг тавсиясига мувофиқ, ўртоқ Аристов РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси ўртоқ Н. Г. Игнатовни сайлашни таклиф этади.

Сессия ўртоқ Н. Г. Игнатовни бир овоздан РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайлайди. Шунингдек РСФСР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари ва РСФСР Олий Совети Президиумининг аъзолари ҳам сайланди.

Депутатлар кун тартибидаги охирги масалани муҳокама қилишга — РСФСР ҳукуматини — РСФСР Министрлар Советини тузишга ўтадилар. Депутат Д. С. Полянский сессияга РСФСР янги ҳукуматининг составини тақдим этади. Сессия уни бир овоздан тасдиқлайди.

РСФСР бешинчи чақириқ Олий Советининг биринчи сессияси шу билан ўз ишини тамомлайди. (ТАСС).

Молия ходимларининг республика кенгаши

15 апрелда Тошкентда молия ходимларининг республика кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш КПСС XXI съездининг қарорлари муносабати билан Ўзбекистон молия органларининг вазифаларини муҳокама қилди. Бу ҳақда Ўзбекистон ССР Молия министри В. М. Муродхўжаев доклад қилди.

СССР Олий Совети Президиумининг 1959 йил 7 апрель фармонига мувофиқ, узоқ муддатли маблағ қўйиладиган банклар системасини қайта ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган ишларни муваффақиятли равишда ўтказиш тўғрисидаги масала батафсил муҳокама қилинди.

СССР Молия министри А. Г. Зверев ўз нутқида молия органларининг ишини янада такомиллаштириш вазифалари тўғрисида гапирди.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Министрлар Совётининг Раиси О. А. Алимов нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддинова, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари Р. Е. Мельников қатнашдилар.

Кенгаш қатнашчилари етти йилликнинг биринчи йилида Ўзбекистоннинг молия ходимлари олдида турган вазифаларни муваффақиятли равишда бажаришни кўзда тутадиган социалистик мажбуриятларни тасдиқладилар. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг йиллик йиғилиши

Фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини янада мустаҳкамлаш масалалари Ўзбекистон ССР Фанлар академияси академикларининг ва корреспондент-аъзоларининг 14 апрелда Тошкент Олимлар уйида бўлиб ўтган йиллик йиғилиши қатнашчиларининг диққат марказида турди. КПСС XXI съезднинг қарорлари муносабати билан академиянинг вазифалари тўғрисида республика Фанлар академиясининг президенти Х. М. Абдуллаев доклад қилди.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС XXI съезднинг тарихий қарорларини амалга оширишда республика Фанлар академиясининг вазифаларини ҳар томонлама муҳокама қилиб, илмий тадқиқотларни ривожлантиришнинг асосий йўллари ҳақида гапирдилар, бошланган етти йилликда академиянинг ғоят катта имкониятларга эга эканлигини таъкидладилар.

Республика Фанлар академиясининг академиги У. О. Орнфов, физика-математика фанлари доктори С. А. Азимов ва бошқалар етти йилликда Ўзбекистонда фаннинг энг асосий йўналишларидан бири физика бўлаётганлигини таъкидладилар. Якинда ядро физикаси институтининг атом реактори ишга туширилади.

Академиянинг корреспондент-аъзоси Х. У. Усмонов ўз нутқини кимё полимерларини тез ривожлантириш проблемаларига бағишлади.

Пахтачиликни янада юксалтириш юзасидан КПСС XXI съезднинг қарорларини муваффақиятли бажаришга актив ёрдам бериш Ўзбекистон олимларининг фахрли бурчидир. Республика Фанлар академиясининг академиги Х. А. Рахматуллин бу ҳақда гапирар экан, пахта териш машиналарининг янги типларини яратиш ва мавжуд машиналарни такомиллаштириш йўлидаги ишларга йиғилиш қатнашчиларининг эътиборини жалб қилди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти С. Ю. Юнусов ва республика Фанлар академиясининг академиги М. Т. Ўразбоев ўз сўзларида муҳим ташкилий масалаларни кўтардилар.

Илмий тадқиқот ишларининг 1959 йилги проблема-тематика планни маъқулланди. (ЎзТАГ).

В. И. ЛЕНИН АСАРЛАРИНИНГ 36-ТОМИ ЎЗБЕК ТИЛИДА НАШР ЭТИЛДИ

Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти В. И. Ленин Асарлари тўртинчи нашрининг 36- (қўшимча) томини ўзбек тилида нашр этди.

Бу томнинг таржимаси Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти — КПСС МК ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти филиали томонидан қилинди. (ЎзТАГ).

Область колхоз ва совхозларида чигит, маккажўхори ва оқжўхори экишнинг бориши тўғрисида 1959 йил 16 апрелгача бўлган маълумот

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районларнинг номи	Экилган чигитнинг ҳаммаси	Шу жумладан квадрат-уялаб экиш	Экилган маккажўхори ва оқжўхорининг ҳаммаси	Шу жумладан квадрат-уялаб экиш
Оққўрғон	57,5	56,6	45,9	17,5
Боёвут	31,9	26,7	34,8	74,4
Бекобод	44,1	44,3	57,0	50,5
Бўка	48,3	25,2	110,8	32,6
Верхне-волинск	35,4	36,9	48,3	84,4
Юқори Чирчиқ	39,4	20,0	95,9	17,3
Гулистон	37,4	35,0	105,4	45,4
Мирзачўл	24,2	24,9	28,4	15,9
Қуйи Чирчиқ	63,2	67,8	170,8	51,3
Оржоникидзе	55,5	31,0	89,8	9,0
Пискент	47,3	21,8	42,1	21,8
Ўрта Чирчиқ	41,3	19,4	33,4	20,1
Сирдарё	55,9	25,3	39,9	31,9
Чиноз	55,6	34,9	23,3	6,2
Янгийўл	63,1	50,2	59,5	31,8
Бўстонлиқ	—	—	15,3	—
Калинин	—	—	39,8	—
Қорасув	—	—	22,9	30,6
Паркент	—	—	17,0	1,2
Тошкент	—	—	25,4	27,2
Олмалиқ шаҳри	—	—	—	—
Оҳангарон шаҳри	—	—	4,8	1,4
Янгиер шаҳри	—	—	44,0	21,4

Тошкент журналистларининг биринчи конференцияси

16 апрелда Ўзбекистон пойтахти журналистларининг биринчи конференцияси бўлди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Президиуми ғоят баланд руҳ билан конференциянинг фахрий президиумига сайланди.

Конференция қатнашчилари КПСС XXI съезднинг қарорлари муносабати билан Тошкент журналистларининг вазифалари тўғрисида Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ф. Х. Ҳўжаевнинг докладини, шунингдек СССР Журналистлар союзининг Устави лойиҳаси тўғрисида А. П. Карбовскийнинг докладини тингладилар ва муҳокама қилдилар. Коммунистик қурилишда Республика пойтахти журналистларининг ролини янада ошириш билан, матбуот ходимлари ижодий бирлашмасининг фаолияти билан боғлиқ масалалар сўзга чиқувчиларнинг диққат марказида бўлди.

Конференция Журналистлар союзи Тошкент шаҳар бўлими бюросини ва ревизия комиссиясини, Ўзбекистон журналистларининг биринчи съездига делегатлар сайлади.

Ўша куни Журналистлар союзи шаҳар бўлими бюросининг ташкилий мажлиси бўлди. Бўлим раиси қилиб У. Е. Иброҳимов, раис ўринбосарлари қилиб Ҳ. Ғ. Ғуломов, А. П. Карбовский, секретарь қилиб Г. В. Димов сайландилар. Ревизия комиссиясининг мажлисида унинг раиси қилиб А. И. Уразаев сайланди. (ЎзТАГ).

«МУШТУМ» САЙЁР РЕДАКЦИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДА

Оғизда дўндирамиз деган билан иш битмайди

Бултур пахта тайёрлаш планини бажаролмаган хўжаликларнинг раҳбарлари билан суҳбатлашиб қолсангиз улардан шундай гапларни эшитасиз:

— Ўтган йили айб ўзимиздан ўтди. Кўкламда у дедик-бу дедик, экишни кечиктирдик, ёзда ишловни қойилмақом қилолмадик, кузда ғўзанинг барги яхши тўкилмай, терим машиналари нормал ишламади, бунинг устига шаҳарлик ёрдамчилар ҳам вақтида етиб келишмади...

Шу хилдаги гапларни айтган раҳбарлар юқоридаги гаплари тугартугамас «бу йил ундай қиламиз, бундай қиламиз» деб ҳар хил қоғозлардаги рақамларни олдингизга кўндаланг қилади. Кўклам кезларида қоғозларга ёзилган рақамлар, агар шу кунларда ҳаракатга келтирилмаса ёки белгиланган тадбирлар поёнсиз далаларда амалга оширилмаса келгуси йилнинг кўкламида хоҳ мажлисда, хоҳ бошқа жойда қолипга солинган, кўзбўямачиликнинг ҳиди анқиб турган сўзлар такрорланаберади.

Айтилган гапга исбот керак. Мана у:

Боёвут районида 5000 гектар ерга чигит экадиган 1- «Боёвут» совхози бор. Унга Анвар Урузбиев директор, М. М. Кухтин бош агроном, А. Турсунбоев бош инженер, Т. Ҳўжаев партия ташкилотининг секретари. Бундан ташқари совхозда ҳисобкитоб ишларини олиб борадиган ная аллақанча бошлиқлар, ўринбосарлар, ходимлар, югурдаклар ҳам бор. Қисқаси эртадан кечгача катта бир бино раҳбарлар билан тўла. Яна шунисини ҳам айтайлик, совхоздаги 8 та бўлимда 8 та бошқарувчи, 8 та агроном, 8 та бухгалтер ўринбосари билан, 8 та механик... санайберсак баракаси учмасин, иш қилиб бошлиқлар, ним бошлиқлар, кичик бошлиқлар сероб...

— Хўжалик катта бўлгандан кейин раҳбарлар ҳам кўп бўлиши керак-да, — дейишди. Майли бунга қўшиламиз, лекин шу кўп раҳбарлар бош бўлган участкаларда план бир йил эмас, сурункасига бир неча йилдан бери тўлабермагач уларни «ваъдабоз» раҳбарлар дейишга мажбурмиз-да.

Гапни бошидан бошлайлик. 1- «Боёвут» совхози бултур планни бажаролмади, 84 процентда қолиб кетди. Давлатга 2050 тонна кам пахта берилди. Совхознинг бу аҳволда қолишига айрим бўлимлардаги ўтакетган қолоқлик сабаб бўлди. Совхоз раҳбарлари бултурги қолоқликларини хас-пўшлаш мақсадида бу йил ундоқ қиламиз, бундоқ қиламиз, деб жар солдилар. Афсуски, минбарлардан туриб айтилган болохонадор ваъдаларни кўклам шабадаси учириб кетди. Кўшни колхозлар даласида эртадан кечгача, ҳатто кечалари ҳам тракторларнинг гуриллаган овози тинмайди, кундуз кунлари колхозлар даласида каттадан-кичик белни маҳкам боғлаб меҳнат қилаётганини кўрасиз. Лекин ўртадаги канални босиб ўтиб, совхоз ерларига кирилгач, колхозларда кўрилган манзара совхоз даласида учрамайди. Ўтган йили планини 69-70 процент ўртасида бажарган ва совхозни орқага тортган Очилов, Резниченко ўртоқлар бошқарувчи бўлган бўлимларда бу йилги кўкламда ҳам иш жуда орқада. Бўлим раҳбарлари дала ишларини кучайтириш ўрнига айбни ерга қўйиб: қали ер етилмаган, деб юрибдилар. Очилов, Резниченко ўртоқлар бу йил ҳам катта хўжаликни орқага тортмасликлари керак.

— Бултур ишимиз чатоқлашиб кетди, уни юзимизга солмай қўяқолинг, — дейди совхоз раҳбарлари билан гаплашганингизда, — бу йил дўндирамиз.

Оғизда дўндирамиз деган билан қўлга кўндирилмагандан кейин у гап шамолга ташланган буғдой самонига ўхшаб из қолдирмай учиб кетади-да. 1-«Боёвут» совхози раҳбарларининг гаплари ҳам шамолга ташланаётганга ўхшайди.

«Катта» раҳбарларни учратаолмагач, совхознинг план бўлимига кирдик. Бу ерда икки киши столга муккасидан кетиб тор, кенг катакларга турли рақамларни ёзиш, бир қўлда ручка, бир қўли билан чўт қоқиб жамлаш билан банд эдилар. План бўлимининг бошлиғи ўртоқ Боронина бир даста қоғозни титкилаб, дала ишларининг бориши қайд қилинган бир варақ қоғозни топдида, уни ёнидаги кишига узатар экан:

— Ўртоқларга тушунтириб беринг, — деди-да ўзи яна ёзишда давом этди.

Сводкадаги рақамларни у бизга тушунтириб берди. 5000 гектардан энди 1400 гектари экишга тайёрланибди. Шу куни 37 та ҳайдов тракторидан биттаси ҳам ишлатилмабди. Баъзи бўлимларда 20-25 процент одам сабабсиз далага чиқмабди.

Кундалик, бешкунлик маълумотлар ҳар куни эрталаб канда қилинмай совхоз директорининг столи устига қўйиб кетилади. Анвар Урузбиев шу маълумотларни кўрганда аввалига пешонаси тиришади, кейин бўлимларга кетма-кет телефон бураб чиқади. «Бугун албатта бурилиш ясаш керак» деб қаттиқ топшириқ беради. Директор дала айланишга чиққанда ёмон ишлаётганларга битта-иккита нордон гап айтади. Сал ўтмай «раҳбарлик бўлса шунчалик бўлади-да» деб кабинетига хотиржам қайтиб келаверади. Бўлимларнинг бошқарувчилари ҳам директорга ўхшаб у кетиши билан ёзда салқин жойга, қишда иссиқ хонага югиришадиган бўлиб қолишган. Мана шунинг учун ҳам бултур план тўлмади — кўшни колхозлардан орқада қолиб кетишди. Бу йил ҳам экишда қўшниладан орқада сургалишмоқда. Гап шу тўғрида кетаётган эди, план бўлимининг бошлиғи Боронина:

— Бизнинг ерлар колхозларнинг ерига қараганда ёмонроқ, чамамда анча унимсиз бўлмаса...

Аслида ундай эмас. Ишнинг сифати, суръати паст. Биз совхозга келишдан олдин шу райондаги «Коммунизм» колхозида бўлган эдик. Колхоз раиси Турсунбой Латипов гап совхозлар тўғрисида борганда бундай деган эди:

— Агар биздаги техника ва бошқа имкониятлар кўшниларимиз — совхозлардагидек бўлганда эди, ҳосилни бундан ҳам оширган бўлардик. Бизнинг фикримизча совхозларнинг айрим раҳбарлари меҳнатни ташкил қилишга унча эътибор бермайдилар. Одамларнинг унумли ишлашига яхши шароит яратиб бериш тўғрисида кам ўйлайдилар.

Бу ҳар совхоз раҳбарларига унча маъқул келмаса керак. Лекин аччиқ ҳақиқатдан юз ўгириб бўлмайди. Шу кунларда совхоз раҳбарлари бултур худди шу пайтда айтган гапларини яна такрорламоқдалар. Улар:

— Ахир деҳқоннинг йили кўкламда бошланади, колхозлар экишда олдинда кетаётган бўлса бордир, аммо бизда техника кўп, бир ташласак унча-мунча ишнинг чангини чиқариб юборамиз... — дейишади.

Совхоз директори Анвар Урузбиев бу гапларни айтганда 1958 йилда пахта тайёрлаш плани бажарилмай қолганлигини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Биз бу йил ҳам совхоз қўшни колхозлардан орқада қолсин, деган ниятда эмасмиз. План бажарилса юрагимиздаги мақтов гапларни айтишга ҳамма вақт тайёрмиз. Аммо совхозда кўклам дала ишларининг кетиши бу йил ҳам қўшнилардан орқада қолишдан дарак бериб турибди.

Совхоз партия ташкилоти ва унинг секретари Ўртоқ Т. Ҳўжаев пахтакорлар, механизаторлар ўртасида оммавий-тушунтириш ишларини кучайтиришга етарли эътибор бермаётир. Бўлимларга 3-4 кунлаб газеталар юборилмайди. Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг 1959 йилда пахта теримини машиналаштиришни тўбдай яхшилаш соҳасидаги вазифалари тўғрисида» деб чиқарган қарорини ҳатто бўлим раҳбарлари ҳам яхши билмайдилар.

1-«Боёвут» совхозининг раҳбарлари деҳқонлар айтган «экиш кечикса терим чўзилади» деган гапнинг маъносини чақишлари, бултурги қолоқликдан чиқиш учун бу йилги кўкламда чинакамига меҳнат қилишлари, пахта ҳосилини ошириш учун қўлларидаги барча имкониятлардан тўла фойдаланишлари, даставвал чигит экишни тез ва сифатли ўтказиш учун курашишлари керак!

Акмал ПЎЛАТ,
Аббос МУҲИДДИН.
С. МАҲКАМОВ.

Тошкент журналистларининг биринчи конференцияси

В. И. Ленин туғилган куннинг 89 йиллиги олдидан

В. И. Ленин Совет социалистик давлати ҳақида

Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленин марксизмнинг давлат ҳақидаги назариясини янги шароитда — империализм ва пролетар революциялари шароитида ижодий равишда ривожлантириб, пролетариат диктатурасе ва унинг сиёсий шакли Советлар Республикаси ҳақида яхлит таълимот яратди.

Буюк назариётчи, практика билан назаряниинг мустаҳкам бирлигини моҳирона боғлаб олиб борган Ленин марксизм назариясини янги хулоса ва қоидалар билан бойитди. капитализмнинг юқори босқичи бўлган империализм даврини чуқур таҳлил қилиб капитализмнинг нотекис ривожланиши ҳақидаги ўзи кашф этгал қоидага асосланиб, социализм дастлаб бир неча мамлакатда ва ҳатто айрим олинган бир мамлакатда ҳам ғалаба қилиши мумкин деган хулосага келди.

Социализмнинг айрим олинган бир мамлакатда ҳам ғалаба қилиши тўғрисидаги масала В. И. Ленин томонидан капитализмнинг монополистик давридаги экономикасини чуқур таҳлил этиш асосида 1915 йилда ишлаб чиқилган эди. «Иқтисодий ва сиёсий тараққиётнинг нотекислиги, — деб ёзган эди В. И. Ленин «Европа Қўшма Штатлари шиори тўғрисида» сарлавҳали мақоласида, — капитализмнинг шак-шубҳасиз қонунидир. Бундан шу келиб чиқадики, бошда бир неча ёки ҳатто алоҳида бир капиталистик мамлакатда ҳам социализм ғалаба қилиши мумкин» (Асарлар, 21 том, 366-367 бетлар).

Социализм инсоният тарихида биринчи марта 1917 йил октябрида бизнинг мамлакатимизда буюк сиёсий ғалабага эришди. Совет ҳокимияти барпо этилгандан кейин 20 йилларча муддат ўтгач, социализм ҳаётнинг ҳамма соҳаларида — иқтисодий ва маданий соҳаларда ҳам тўлиқ ғалаба қозонди. 1936 йилда қабул қилинган СССР-нинг янги Конституцияси мамлакатимизда социализмнинг тўла ғалаба қилганлигини қонун қилиб мустаҳкамлади. Бу социализмнинг капитализм устидан қозонган олимшумул-тарихий ғалабаси эди. Бироқ бу ғалаба ўзил-кесил ғалаба эмас эди, чунки СССР дунёда ягона социалистик давлат бўлиб, у империалистик давлатлар қуршови ичида эди. Шу сабабли СССР халқлари ўзларини ҳарбий интервенция бўлиш хавфидан ва ҳарбий ҳамда иқтисодий жиҳатдан бир неча баравар устун бўлган халқаро реакциянинг кучлари томонидан СССРда капитализмни зўрлик билан тиклаш хавфидан ҳали бутунлай холи деб билмас эдилар.

СССРнинг иккилчи жаҳон урушида герман фашизми ва япон милитаризми устидан қозонган олимшумул-тарихий ғалабаси, халқ-демократик давлатларнинг вужудга келиши ва социализмнинг жаҳон системасига айланиши халқаро майдонда кучлар нисбатини тубдан ўзгартириб юборди.

КПСС XXI съезди, СССРда социализм тўла ғалаба қозонибгина қолмасдан, **шу билан бирга узил-кесил ғалабага ҳам эришганлигини кўрсатиб ўтди.** Социализм енгилмас кучга айланди.

Социализмнинг узил-кесил ғалаба қозонганлиги ва СССРнинг коммунистик жамият қурилишини кенг авж олдириш даврига кираётганлиги муносабати билан социализмдан коммунизмга ўтиш қонуниятлари ҳақидаги масалаларни илмий жиҳатдан ишлаб чиқиш алоҳида аҳамиятга эгадир.

СССРнинг социалистик қурилиш соҳасидаги тарихий тажрибасини назарий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш асосида КПСС XXI съезди коммунизм тўғрисидаги марксча-ленинча таълимотни яна ҳам ривожлантирди. Ўрток Н. С. Хрушчев съездда қилган докладида социализмдан коммунизмга ўтиш ҳам худди капитализмдан социализмга ўтиш сингари жамият тараққиёти қонуниятларининг объектив тарихий процессидан иборатдир, деб кўрсатди. Бу ердаги фарқ шундаки, капитализмдан социализмга ўтиш процесси эски жамиятнинг сиёсий-ўткурмасини ва иқтисодий турмуш укладини парчалаш билан боғлиқ бўлган революцион процессидир. **Коммунизм эса социализмдан, унинг бевосита давоми сифатида ўсиб чиқади.** Шундай қилиб коммунизмнинг моддий ва маънавий замини социализмнинг барқ ва вужудга келади. Шунинг учун, коммунизмга секин-аста ўтишни элла қандай суст ҳаракат деб тушуниш ярамайди. Аксинча, бу ҳозирги замон индустриясини, йирик механизацияни қишлоқ хўжалигини, бутун экономика ва маданиятни янада ривожлантириш, бу ишга коммунизмнинг миллион-миллион қурувчиларини фаол ва онгли равишда жалб қилишдан иборатдир.

В. И. Ленин коммунизмнинг тўла ғалабасини таъминлашда ишлаб чиқарувчи кучларнинг жуда юксак даражада ривожланиши ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир деб таълим берди. Ишлаб чиқарувчи кучлар жуда юксак даражада ривожланган тақдирдагина жамият маданий жиҳатдан ўсган ҳар бир кишининг барча эҳтиёжларини қондириш учун моддий бойлик мўл-кўллигига эришади. «Ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга эҳтиёжига яраша» деган коммунистик принципга амал қилади.

КПСС XXI съездида В. И. Ленининг Совет давлати ҳақидаги лазарияси янада ривожлантирилди, коммунистик жамият қуришни кенг авж олдириш даврида жамиятни сиёсий ташкил этиш, давлат тузилиши ва давлатни бошқариш масалалари ҳар тарафлама таҳлил қилинди.

Ўрток Н. С. Хрушчевнинг КПСС XXI съездида қилган докладида социалистик давлат тараққиётидаги ўзгаришлар социалистик давлатнинг, совет демократиясининг базасини яна ҳам кенгайтириш ва давлат органлари функцияларининг секин-аста жамоат ташкилотлари қўлига даставвал, меҳнаткашлар оммасининг энг оммавий ва энг демократик ташкилоти бўлган Советлар қўлига ўтиши тўғрисида Ленин таълимоти янада ривожлантирилди.

КПСС XXI съездида Совет социалистик давлати тараққиётининг учта асосий босқичи марксистик жиҳатдан анализ қилинди ва давлатнинг ана шу асосий босқичларнинг ҳар биридаги асосий функциялари равшан кўрсатиб берилди.

Совет давлати тараққиётининг биринчи босқичи капитализмдан социализмга ўтаётган даврни, Ленин таърифи билан айтганда ўлиб борётган капитализм билан туғилаётган социализм ўртасидаги кураш даврини, аниқроғи, енгилган, лекин ҳалок қилинмаган капитализм билан туғилган, лекин ҳали кучсиз бўлган коммунизм ўртасидаги кураш даврини ўз ичига олади.

Капитализмдан социализмга ўтиш даврида жамиятнинг сиёсий устқурмаси пролетариат диктатурасидан иборат бўлади. Пролетариат диктатураси эксплуататор синфларнинг қаршилигини бостириш революция ғалабаларини империалистик давлатларнинг ҳужумидан ҳимоя қилиш ва эксплуататор синфлар тугатилган ҳамда ишлаб чиқариш қуроллари ва воситаларининг халқ мулкига айланганлиги туфайли кишини киши томонидан эксплуатация қилинишининг барча илдизлари йўқотилган жамиятга ўтишни амалга ошириш учун, коммунистик жамият қуришни таъмин этиш учун зарурдир.

Пролетариат диктатураси буржуазиянинг қаршилигини зўрлик билан бостиришдан иборатдир. Лекин пролетариат диктатураси фақат зўрлик қилишдангина иборат эмас, деб таъкидлайди В. И. Ленин.

Шуни қайд қилиш керакки, ҳукмрон синфга айланган пролетариат эксплуататия қилинувчиларнинг — янги, гўзал жамият — коммунизм биносини қуришга киришган жуда катта кўпчилик аҳолининг—туб манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жуда кам озчиликни ташкил этган эксплуататорларга нисбатан зўрлик ишлатган эди.

Пролетар диктатурасидаги асосий нарсани унинг шаҳарда ва қишлоқда социалистик хўжалик системасини вужудга келтиришдаги, кишиларни социализмнинг янги қурилишчилари қилиб тарбиялаш ва қайта тарбиялаш манфаатлари йўлида маданий революцияни амалга оширишдаги буюк ўзгартирувчилик роли ташкил этади.

Коммунистик партия мамлакатимизда, социалистик индустрлашни ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришни амалга оширди. Бу чиндан ҳам жамият қиёфасини тубдан ўзгартирган буюк революцион ўзгариш эди. Пролетариат буржуазия ва қишлоқдаги кўп сонли эксплуататор синф — қулоқларга нисбатан зўрлик ишлатиб, ишчиларни капиталистлар эксплуататориясидан ва деҳқонларни қулоқларнинг асрий зулмидан озод қилди. Бу эса зўрлик ишлатиш ҳеч қачон социалистик давлат фаолиятида асосий метод бўлмаганлигини кўрсатувчи яққол далилдир. Пролетариат диктатурасининг асосий вазифаси шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам социализм пойдеворини қуришдан, кўпдан-кўп майда деҳқон хўжаликларини коллектив хўжаликларга айлантиришдан иборат эди.

СССРда социализмнинг ғалаба қозониши ва эксплуататор синфларнинг тугатилиши натижасида давлатнинг мамлакат ичкарисидаги бостириш функцияси тушиб қолди, барҳам еди.

Совет давлатининг биринчи босқичи мамлакатимиздаги кўп сонли ва охирги эксплуататор синф — қулоқларни тугатиш билан тамомланди. СССР халқлари ҳаётида юз берган тарихий ўзгариш Советларнинг 1935 йилнинг бошида бўлиб ўтган VII съездининг қарорларида ва 1936 йил декабрь ойида қабул қилинган ва СССРнинг ўз тарихий тараққиётининг иккинчи босқичига — социализмнинг тўла ғалаба қозониш босқичига ўтганлигидан далолат берган СССР Конституциясида ўз ифодасини топди.

Совет давлатининг иккинчи тараққиёт босқичидаги асосий вазифаси — социализм қурилишини тугаллаш ва коммунизм қурилишини кенг авж олдириш учун ўтишга шарт-шароит ҳозирлашдан иборат эди.

Совет жамиятининг тараққий қилиши билан социалистик давлатнинг функциялари ўзгарди ва янада ривожланди. Ҳозирги замон шароитида Совет давлати мамлакат ичкарисида хўжалик-ташкилотчилик ва маданий-тарбиявий ишларни бажариш, меҳнат меёри ва истеъмол меёри устидан қаттиқ контроллик қилиш, социалистик мулкни ва социалистик ҳуқуқ тартибларини муҳофаза қилишга қаратилган ўз фаолиятини ҳар тарафлама кенгайтириши лозим. Давлатимизнинг империалистик давлатлар томонидан бўладиган ҳарбий ҳужум хавфидан мамлакатни мудофаа қилиш билан боғлиқ бўлган ташқи функцияси илгаригидек сақланиб қолади. Янги тарихий шароитда Совет давлатининг социализм мамлакатлари билан ҳамкорлик, ўзаро ёрдамлашув ва тажриба алмашувни ташкил этиш ва шунингдек тинчликни ҳимоя қилишга оид функциялари вужудга келди ва ривожланиб бормоқда.

Ҳозирги босқичда социалистик давлат тараққиётининг асосий йўналиши КПСС XXI съездида кўрсатилганидек, демократияни ҳар тарафлама ривожлантиришга, аҳолининг жуда кенг табақаларини мамлакатни бошқариш соҳасидаги ҳаммаз ишларга жалб қилишга, барча гражданларни хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик ишларига жалб қилишга ҳамда давлатнинг соғлиқни сақлаш, халқ маорифи, физкультура ва спорт, аҳолига маданий ва маиший хизмат кўрсатиш ҳамда халқ хўжалиги соҳасидаги айрим функцияларни меҳнаткашларнинг жамоат ташкилотлари қўлига, даставвал халқнинг ўз-ўзини идора қилиш органи бўлган меҳнаткашлар депутатлари Советлари қўлига топширишга қаратилгандир.

Жамоатчилик тартибини таъмин этиш ишлари давлат органлари (милиция, суд) билан бирга параллель равишда меҳнаткашларнинг жамоат ташкилотлари (халқ милицияси, ўртоқлик судлари ва ҳоказо) томонидан ҳам бажарилаберади.

Давлат коммунизм тўла ғалаба қозонгандагина, империалистик давлатларнинг ҳужумидан ҳимоя қилиш ва эксплуататор синфлар тугатилган ҳамда ишлаб чиқариш қуроллари ва воситаларининг халқ мулкига айланганлиги туфайли кишини киши томонидан эксплуатация қилинишининг барча илдизлари йўқотилган жамиятга ўтишни амалга ошириш учун, коммунистик жамият қуришни таъмин этиш учун зарурдир.

Пролетариат диктатураси буржуазиянинг қаршилигини зўрлик билан бостиришдан иборатдир. Лекин пролетариат диктатураси фақат зўрлик қилишдангина иборат эмас, деб таъкидлайди В. И. Ленин.

Шуни қайд қилиш керакки, ҳукмрон синфга айланган пролетариат эксплуататия қилинувчиларнинг — янги, гўзал жамият — коммунизм биносини қуришга киришган жуда катта кўпчилик аҳолининг—туб манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жуда кам озчиликни ташкил этган эксплуататорларга нисбатан зўрлик ишлатган эди.

Пролетар диктатурасидаги асосий нарсани унинг шаҳарда ва қишлоқда социалистик хўжалик системасини вужудга келтиришдаги, кишиларни социализмнинг янги қурув

Барча майдонларга квадрат-уялаб чигит экиб, 4500 тонна пахтани машина билан териб оламиз!

„Ўзбекистон ССР беш йиллиги“ совхозининг коллективи чигит экишни тезроқ тамомлаб, уни бир текис ундириб олиш учун курашмоқда

★

Машина билан пахта теришга ҳозирдан тайёрланмоқдамиз

Мен хизмат қилаётган 1-бўлим ишчилари бу йил 720 гектар пахта майдонидан 25 ўрнига 29 центнердан ҳосил етиштиришга бел боғлаганлар. Шунинг учун дастлаб бизнинг бўлимда ҳамма ерга 60х60 схемаси билан квадрат-уялаб чигит экиш асосан тамом бўлди.

Бу йил совхоздаги сингари бизнинг бўлимда ҳам мавжуд механизмлардан ҳар қачонгидан кўра унумлироқ, яъни чигит экишдан тортиб, пахтани йиғиб-териб олгунга қадар бор техникадан тўла равишда фойдаланиш мақсадида иш олиб борилмоқда. Механизмлардан унумли фойдаланиш, уларнинг нормал ишлашини таъминлаш биз механизаторларнинг астойдил ғайрат қилишимизга боғлиқ.

Мен ишлаётган 1-бўлимнинг ўзида ҳар хил маркали 32 та трактор, 35 механизатор бор. Чигитни квадрат-уялаб экиш учун биз бўлимда 15 агрегат, шу техникани ишга сола оладиган механик-ҳайдовчилар, контролёрлар, сеялкачилар ва бошқаларни экишгача тайёрлаган эдик. Чигитнинг муваффақиятли равишда квадрат-уялаб экиб тамомланиши, кадрларимизнинг ўз ишларига пухта тайёрланганликларини кўрсатди. Жумладан, Ибазер Чабнов, Редван Чики, Ҳ. Жумаев, Т. Валиев сингари механизаторларимиз аниқ квадратлар ҳосил қилиш учун астойдил ҳаракат қилдилар.

Чигит экиш даврида сеялка ва тракторларнинг нормал ишлашини таъминлаш учун баъзи майдачуйда камчиликларни ўз вақтида бартараф қилишда ёрдам бериб турдим. Ҳали қилинадиган ишимиз кўп. Бу йил пахтачилигимиздаги энг кўп иш механизация ёрдами билан бажарилиши лозим. Биз ғўзани культивация қилишда, ўғитлаш, ҳашаротга қарши кураш ва ўқариқ олишда ишлатиладиган механизмлардан шак-шубҳасиз унумли фойдалана оламиз. Аммо пахтани машина билан териш учун икки томонлама пухта тайёрлик кўришимиз шарт. Биринчидан, ғўзанинг бўйини машина билан теришга мослаштириш. иккинчидан, машина билан пахта терадиган қадрларни ҳозирданоқ яна ўргатиб бориш лозим. Бусиз машина билан пахта теришни муваффақиятли равишда амалга ошириб бўлмайди.

Биз ана шу вазифаларни амалга оширишга астойдил киришдик. Ҳозир бўлимдаги 10 та пахта териш машинасини 20 тага етказиш учун ҳаракат қилмоқдамиз.

Ҳозир бўлим ишчилари, механизаторлар чигит экиш билан бирга ғўза парваришига ҳам қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Мавжуд механизмлар ғўзани культивация қилиш, ўғитлаш учун тахт қилиб қўйилмоқда. Бўлимимиз ишчилари ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш учун кучгайратларини аямай меҳнат қилмоқдалар, мўл ҳосил етиштириш учун барча тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Топчи НИЕЗИЙ,
1-бўлим колонна механиги.

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг 3- бўлимида бу йил 546 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштириш мажбурияти олинган. Шу кунларда бўлимда чигит экиш қизғин бормоқда. Суратда: (ўнгдан) бўлимнинг далачилик мудири Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қурбонали Эрматов ва совхознинг бош агрономи Ҳикмат Муҳаммаджонов ўртоқлар экишнинг сифатини текшириб кўрмоқдалар.

М. Шевелов фотоси.

Ғўзанинг биринчи парваришини 10 майгача тамомлаймиз

Партиямизнинг XXI съездида қабул қилинган етти йиллик планда Ўзбекистонда пахтачиликни янада ривожлантиришдек улуғвор вазифа қўйилган. Эндиликда пахта ҳосилдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш учун прогрессив методларни кенг қўлланиш, айниқса пахтачиликни комплекс механизациялаштириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб қолди. Ҳозир бизнинг бўлим коллективи мана шу асосий вазифаларни амалга ошириш учун астойдил курашмоқда.

Бу йил биз 680 гектар ерга чигит экдик, ҳар гектар ердан ўтган йилдаги 21 центнер ўрнига 27 центнердан ҳосил етиштиришга, ҳосилдорликни 6 центнер оширишга, етиштириладиган 1600 тонна пахта ҳосилидан 900 тоннасини машина билан териб олишга аҳд қилдик. Ғўза парваришида қўл меҳнатини камайтириш учун бу йил биз ҳамма майдонга квадрат-уялаб чигит экишни асосан тамомладик.

Ўтган йили бўлимимизда чигит экиш 17 майгача чўзилиб кетган, чигит кеч униб чиққан, кўпгина ердаги кўсаклар пишмай қолган эди. Биз бу аччиқ саबоқдан тўғри хулоса чиқариб, бу йил чигитни барвақт экиб тамомлаш учун 11 агрегат тайёрлаган эдик. Бу, яхши натижа берди. Чигит экиш даврида техникамиз бетўхтов ишлаб турди. Кадрларимиз машиналарни усталик билан бошқариб, тўғри квадратлар ҳосил қилдилар. Шунинг натижасида ҳар куни бўлимда 60-65 гектар ерга режа симлари тортиб чигит экилди.

Чигит экишда тракторчи Муҳаммаджон Аширматов, контролёр Ҳалимахон Бурҳонова, сеялкачи Эргаш Аширов, Турдиали Расулев сингари жуда кўп ўртоқлар астойдил ишладилар.

Ҳозирги пайтда пахтачиликдаги энг қийин иш етиштирилган ҳосилни вақтида йиғиб олишдан иборат. Ҳосилни йиғиб олишда техникадан унумли фойдалана билсак, оғирмиз енгил, ишимиз анча осон кўчади, етиштирилган маҳсулот кўп даражада арзон бўлади.

Ҳосилни машина билан териб олиш учун эса тайёрлик ишларини чигит ерга тушган кундан бошлаш керак. Эндиликда ғўзани квадрат-уялаб экиш, икки томонлама парвариш қилиш, агротехника қоидаларига амал қилиб, ўғит, сув бериш нормал изга тушиб қолган. Буларни амалга оширишда хавфсирамасак ҳам бўлади. Лекин пахтани машина билан териш учун ғўзани шунга мослаштириб парвариш қилишда ҳали жиддий иш олиб бораётганимиз йўқ. Шунинг учун биз бўлимда пахтаси машина билан териладиган 590 гектар майдондаги ғўзани шунга боғ қилиб парвариш қилишга ҳозирданоқ киришдик.

Ғўзани машинабоп қилиб парвариш қилишнинг энг муҳим шартларидан бири — ғўзани 10 ниндан кечиктирмай ўғитлаб бўлишдан иборат. Усимликнинг говлаб кетмаслиги учун ғўзани билиб суғориш зарур. Чекан-кани кечиктирмаслик керак.

Чигит барвақт экилгани билан ғўза ўз вақтида парвариш қилинмаса, пахта эрта пишмайди. Машина билан пахта теріш кечикиб кетади. Шунинг учун биз ҳозир барча майдонда чигитни бир текис ундириб олиш билан ғўзани ягана қилиб, 10 майгача биринчи цикл ғўза парваришини асосан тамомлаш учун курашаётирмиз.

Бўлимда 16 та бригада бор, шундан 4 таси трактор-далачилик бригадаси. Тўла хўжалик ҳисобида иш олиб бораётган бу бригадалар пахтани машина билан теришга жуда ишқибоз. Бўлимда 14 та пахта териш машинаси бор. Бу, албатта кам. Биз ҳозирданоқ 20 та машина билан пахта теришни планлаштирдик ва механик-ҳайдовчиларни белгилаб қўйдик.

Биз Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг пахтани машина билан теришга қаратилган қарорига тўла амал қилиб, ғўзани сифатли парвариш қилишда пахтани машина билан теришни кўзда тутиб иш олиб борамиз.

Содиқ ТОШМИРЗАЕВ,
4-бўлим бошлиғи.

☆

Пахтанинг таннархини камайтирамиз

Яқинда биз ўз бригадамизда Ганишер Юнусовнинг ҳар гектар ерда 50 центнердан ҳосил етиштириш тўғрисидаги ташаббусини ва чақириғини ўқиб муҳокама қилдик. Ҳосилдорликни оширишга қаратилган бу яхши ташаббусни бригадамизнинг ҳамма аъзолари ягдиллик билан маъқулладилар ва 110 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан пландаги 24,5 центнер ўрнига 35 центнердан ҳосил етиштириш тўғрисида мажбурият олдилар.

Бу мажбуриятни бажариш учун бизда барча имкониятлар бор. Ишчиларимиз, механизаторларимиз бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилсалар, бундан ҳам ортиқ ҳосил етиштириш мумкин. Ҳозир бригадамизда ана шу юксак мажбуриятни бажариш учун кураш қизитиб юборилди.

Биз ўз бригадамизда фақат ҳосилдорликни ошириш учунгина эмас, шу билан бирга пахтачиликни комплекс механизациялаштириш асосида етиштириладиган ҳосилнинг таннархини камайтириш учун ҳам кураш бошладик. Бизнинг назаримизда, бу масала колхозларда ҳам, совхозларда ҳам, албатта амалга оширилиши керак бўлган энг зарур масала ҳисобланади.

Ҳосилдорликни ошириш билан бирга, маҳсулот таннархини камайтириш учун нима қилиш керак, бунга қандай қилиб эришиш мумкин? Биз бунинг учун қуйидаги тадбирларни амалга оширишни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйдик.

Барча майдонга чигитни квадратуялаб экиш, 55 гектар ердаги ғўзани кетмонсиз парвариш қилишга эришиш, бригадада етиштириладиган 262 тонна пахтанинг 200 тоннасини машина билан териб олишни плаллаштирдик. Ҳар қандай беҳуда харажатларни тежаб, мумкин қадар меҳнатни кам сарфламоқчимиз, пахта теримига четдан ишчи кучи жалб этишдан воз кечмоқчимиз. Агар биз шу муҳим тадбирларни амалга ошарабилсак, ҳеч шубҳасиз етиштириладиган пахтанинг ҳар центнери учун сарф этиладиган харажатлар тенг баравар камаяди.

Ўтган йили бизнинг 4-бўлимда бир центнер пахта етиштириш учун 148 сўм сарфланган. Мен ишлаган трактор-далачилик звеносида бир центнер пахта етиштириш учун 134 сўм сарфланган эди. Агар биз санаб ўтилган муҳим тадбирларни изчиллик билан амалга оширсак, бир центнер пахта етиштириш учун фақат 74 сўм сарфлашимиз мумкин.

Бу мақсадга эришишнинг дастлабки шарти эрта экилган ва ҳозир униб чиқа бошлаган чигитни барча майдонларда бир текис ундириб олишдан, ғўзанинг биринчи комплекс парваришини барвақт тамомлашдан иборат. Ҳозир биз етти йилликнинг биринчи йили вазифаларини амалга ошириш учун ўз бригадамизда пахтачиликни комплекс механизациялаштириш, пахтанинг таннархини камайтириш мақсади билан иш олиб бормоқдамиз.

Турдиали РАСУЛЕВ,
4-бўлимдаги трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи.

Чигит униб чиқди

Бу йил «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида чигит экиш иши уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Барча пахта майдонига квадрат-уялаб чигит экилаяпти.

Чигит айрим бригадаларда ўтган йилга нисбатан анча эрта экиб тамомланди. 4 бўлимнинг ўртоқ Турдали Расулев бошлиқ трактор-далачилик бригадаси аъзолари айниқса яхши натижаларга эришдилар. Ҳозир бу бригадага қарашли ерларга экилган чигит тўғри квадратлар ҳосил қилиб, униб чиқди. Шу кунларда бригада аъзолари тўла гектар учун курашиб, карта четларига қўшимча чигит экишни давом эттирмоқдалар ва ғўзанинг биринчи парваришини бошлаб юбориш тадбирларини кўрмоқдалар.

Совхознинг бошқа бўлимларида ҳам чигит нормал униб чиқмоқда.

Совхозимиз пахтакорларининг шарафли бурчи

Партиямиз XXI съезди қарорларидан илҳомланган, етти йиллик планнинг биринчи йили вазифаларини амалга оширишга астойдил бел боғлаган совхозимиз коллективининг асосий эътибори 3600 гектар пахта майдонига квадрат-уялаб чигит экиш, 2000 гектар ердаги ҳосилни машина билан териб олишга қаратилган.

Дастлаб биз 3600 гектар пахта майдонидан 3100 гектарига квадрат-уялаб чигит экишни планлаштирган эдик. Лекин Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Партия, совет ва қишлоқ хўжалиги органларининг 1959 йилда пахта теримини машиналаштиришни тубдан яхшилаш соҳасидаги вазифалари тўғрисида»ги қароридан ва Тошкент область партия комитетининг пленумида пахтани машина билан териш тўғрисидаги масала муҳокама қилинганидан кейин биз барча майдонга квадрат-уялаб чигит экишга ва 4500 тонна пахта ҳосилини машина билан териб олишга қарор қилдик.

Мана шу шиор остида иш олиб бораётган совхоз ишчилари, механизаторлари ва мутахассислари шу кунларда чигитни тезроқ квадратуялаб экиб тамомлаш, барча майдонларда чигитни бир текис ундириб олиш учун курашмоқдалар. Биз экиш кампаниясини муваффақиятли ўтказиш учун квадрат-уялаб чигит экадигаз 71 агрегат ва шу агрегатларда ишлаш учун 483 кишини ўқитиб тайёрлаган эдик. Ҳозирги чигит экишнинг бориши квадрат-уялаб чигит экишга тайёрланган кадрларимизнинг яхши тайёрлик кўрганликларини, механизаторларимиз тракторларни кўнгилдагидек ремонт қилганликларини кўрсатаяпти. Шу туфайли совхоз бўйича бир кунда 310-340 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экмоқдамиз.

Ўртоқ Содиқ Тошмирзаев бошлиқ 4, ўртоқ Я. Югай бошлиқ 1, ўртоқ Ҳожи Аҳмедов бошлиқ 3-бўлим ишчилари, механизаторлари чигит экиш даврида уюшқоқлик билан иш олиб бормоқдалар.

И. Рогачев, Расулев, Қ. Харачих, Гут Бедре ўртоқлар каби тракторчилар, контролёрлар зўр маҳорат кўрсатиб ишламоқдалар. Шу туфайли ҳозир биз совхозимизда чигит экишни тугаллаш арафасида турибмиз. Ваҳоланки, ўтган йили айрим бўлимларда чигит экиш май ойининг биринчи ярмигача чўзилиб кетган эди. Ерга тушган чигит кун санайди деган гап бор. Бу, шубҳасиз тўғри. Чунки эрта экилган чигит эрта ҳосилга киради, пахтаси эрта пишади. Бу, ўз навбатида пахтани машина билан теришдек энг муҳим ишимизга катта ёрдам беради.

Чигитнинг барвақт квадрат-уялаб экилиши совхоз учун қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини қуйидаги мисолдан яққол кўриш мумкин. 1957 йилда совхозда квадратуялаб чигит экилмаганидан, ишчи кучлари етарли бўлмаганидан ғўзаларимизни ўт босиб кетди. Натижада шаҳардан 2000 киши келиб бир ой ишлади. 1958 йилда 1700 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экканлимиз учун совхозда ҳар бир ишчи кучига 4 гектар ер тўғри келишига қарамай, ғўза парваришини ўз кучимиз билан ўтказа олдик. Шу туфайли ҳам биз барча майдонга бу йил квадрат-уялаб чигит экишга қарор қилдик.

Совхозимизда қалдай турдаги ишларга қанча харажат қилинаётганини кўздан кечирсак, қизиқ рақамлар кўз олдимиздан ўта бошлайди. Чунончи, чигит экишга тайёргарлик давридан бошлаб, пахта теримигача бўлган барча харажатлар билан, пахта терими даврида сарф этилган харажатларни ва меҳнатни солиштириб кўрайлик. Ўтган йили совхозимизда 399 минг 595 та ишчи куни сарф этилди, шундан теримгача, яъни чигитни экиб, пахтани пишириб олгунга қадар 146 минг ишчи куни, пахта терими даврида эса 253 минг 594 ишчи куни сарфланган. Демак, меҳнатнинг кўп қисми пахта теримига кеталяпти.

Бундан ташқари, шаҳардан келиб ишлаган кишилар шу даврда 175 минг 449 ишчи куни сарфлаганлар. Бундан кўриниб турибдики, совхоз ўз кучи билан етиштирилган пахтани териб олишга қодир эмас.

Қилинган харажатлар қараб чиқилганда, шу нарсани кўриш мумкин. Бизнинг ойлик фондимиз 8 миллион 616 минг сўм бўлса, шундан пахта теримигача 3 миллион 196 минг 700 сўм сарфланди. Пахта теримига эса 5 миллион 419 минг сўм кетди. Шундан 4 миллион сўм ёрдамчиларга берилди. Бунинг асосий сабаби шуки, пахта терими даврида кўп ишлар механизация ёрдами билан бажарилмаяпти. Шу туфайли пахтани пишириб олгунгача бўлган харажатлар кам ва арзон, пахта теримида механизация кенг миқёсда қўлланилмаётгани учун бу даврдаги харажатлар беҳад кўп.

Эндиликда пахтачиликни комплекс механизациялаштирмай туриб бу соҳада жиддий бурилиш ясаб бўлмайди. Фақат пахта териш машиналаридан кенг миқёсда унумли фойдаланган тақдирдагина бундай нуқсонларни тугатиш мумкин.

Машина билан пахта теришдек мураккаб масалани қандай ҳал қилиш керак? Биз ўз тажрибамизга асосланиб туриб, энди пахта териш машиналарига кенг йўл бериш, бу соҳадаги энг ғалвирлар ва ишлаб чиқарилмовчиликларни таг-томири билан юлиб ташлаш керак, фақат пахта териш машиналаригина мушкулимизни осон қилади, деб дадил айта оламиз.

Нега? 1950 йилда биз 1874 тонна, яъни умумий ҳосилнинг 24,5 процентини машина билан терган эдик. Ўтган йили 2679 тонна, яъни умумий ҳосилнинг 35,1 процентини машина билан тердик. Машина билан терилган пахта қўл билан терилгани қараганда анча арзон тушди. Совхозда бир центнер пахтани қўл билан териш учун 55 сўм 93 тийин сарфланган бўлса, машина билан териш учун 46 сўм 80 тийин сарфладик. Машиналар яхши ишлатилган ерларда бундан ҳам кам харажат бўлди. Масалан, механик-ҳайдовчи Кашканинг машина билан терган бир центнер пахтаси 19 сўм 73 тийин, ўртоқ Чачи терган пахта 13 сўм 80 тийинга тушди.

Бундан кўриниб турибдики, ҳосилни машина билан теришга эътибор кучайтирилса, унга келг йўл очиб берилса, пахта тез ва кам маблағ сарфланиб териб олинади.

Шу мақсад билан биз бу йил чигит экилданоқ машина билан пахта теришни назарда тутдик. Ҳозирдан бошлаб машина билан пахта теришга шароит вужудга келтириш учун тайёрлик ишларини бошлаб юбордик. Пахтаси машина билан терилади-ган 2000 гектар ерни ажратиб қўйдик. Бундан биз 4500 тонна ёки умумий ҳосилнинг 45-50 процентини машина билан териб оламиз. Совхоз коллективи ҳозир ишни мана шу план асосида олиб бормоқда.

Ҳозир совхозимизда 50 та пахта териш машинаси бор. Бу ҳали етарли эмас. Айни кунларда биз пахта териш машиналарини 100 тага етказиш чораларини кўраётирмиз, пахта териш машиналарида ишлаб, анча тажриба орттиргал ўртоқлардан 62 кишини танлаб, қайси картада пахта теришини белгилаб қўйдик. Улар ҳозирданоқ ўзлари пахта терадиган жойларда ғўза парваришини машина билан пахта теришга мослаштириб олиб боришда шахсан иштирок этадилар. Тайёрлик ишларини кун сайин кўриб борадилар.

Совхозимиз коллективи партия ва ҳукуматимизнинг қарорларига амал қилиб, ўз зиммаларига олган бу шарафли вазифани сўзсиз бажариш учун зўр ғайрат билан ишлайдилар.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг директори.

Чорвачилик маҳсулотлари мўл-кўл бўлсин

(Мухбирларнинг хатларига обзор)

Партия ва ҳукуматимиз аҳоли жон бошига чорвачилик маҳсулотлари етиштириш соҳасида яқин йиллар ичида АҚШга етиб олиш ва ундан ўзиб кетишнинг реал программасини чизиб бердилар. Областимиз чорвадорлари партия ва ҳукуматимиз кўрсатмаларига амал қилиб, чорвачиликни устун даражада ривожлантириш учун актив кураш бошладилар ва бу соҳада дуруст натижаларга эришмоқдалар. Қишлоқ мухбирларининг хатларида ана шу ҳақда ҳикоя қилинади.

— Куйбишев номли колхозда, — дейди ўртоқ **С. Раҳматов** Ўрта Чирчиқ районидан ёзган хабарида, — чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришга жиддий эътибор берилмоқда. Кейинги йилларда айниқса, қўйчилик яхши ривожланди. Чўпонлар бу йил ҳам 100 бош совлиқдан 120 бошдан қўзи олиш, гўшт, жун маҳсулотларини кўпайтириш ишига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Оққўрғон районидаги Ворошилов номли колхоз чорвадорлари сигирлар боқувини яхшиладилар. Ҳар бир соғин сигирдан камида 1500 литрдан сут соғиб олиш учун курашмоқда. Бу ҳақда ўртоқ **М. Муродов** хабар юборган. Ўртоқ **И. Муҳамедов** ҳам шу райондан ёзган хабарида, район партия комитети илғор чорвадорларнинг иш методларини оммалаштираётгани, колхоз правлениелари эса яхши натижаларга эришган чўпон ва сут соғувчиларни қимматбаҳо буюмлар билан рағбатлантираётганини маълум қилади.

Мирзачўллик **Ҳ. Халилов, Б. Соибназаров** ва **Ф. Нишонбоев** ўртоқлар «Коммуна», «Москва» колхозлари ва «1-Май» совхозидан хат ёзишиб, бу хўжаликларда гўшт ва сут маҳсулотлари етиштириш соҳасида катта ютуқлар қўлга киритилгани, гўшт маҳсулотларини кўпайтиришда чўчқачилик катта роль ўйнаётганини хабар қиладилар.

Ўртоқ **Т. Имомов** Чиноз районидаги Сталин номли колхоздан хабар беради: «1956 йилда колхозда 80 бош соғин сигир бўлиб, йил давомида уларнинг ҳар биридан 1700-1800 литрдан сут соғиб олинган эди. Ҳозир фермада 130 бош соғин сигир бор. Бу йил ҳар бош сигирдан 2000 литрдан сут соғиб олиш мўлжалланган». **Ш. Умурзоқов, Т. Мирҳодиев** ва **З. Тожиев, А. Латипов, Э. Мирзаев, С. Мирзалиев, Ҳ. Муқимов** ўртоқларнинг хабар қилишича, Орджоникидзе районидаги Навоий номли, «Қизил Ўзбекистон», Ленин номли, ва Киров номли колхозда соғин сигирлар зоти яхшиланган, қўзилатиш яхши ўтяпти.

«Бўстонлиқ районидаги «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхозида, — дейди ўртоқ **Э. Гулметов**, — ўтган 3 ой ичида 98 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 350 литрдан сут соғиб олинди». **О. Эргашев, Б. Тешабоев, И. Баратов** ўртоқларнинг Верхневолинск районидаги «Қизил Октябрь», Куйбишев номли ва Карл Маркс номли колхозлардан хабар ёзишича, бу колхозларнинг аъзолари гўшт, сут, жун маҳсулотларини йил сайин кўпайтириб, катта даромад олмоқдалар. Ўтган йили Куйбишев номли колхозда чўчқачиликнинг ўзидан олинган даромад 210 минг сўмни ташкил қилди. Бу йил эса давлатга 350 минг сўмлик чўчқа гўшти сотиш мўлжалланаётир.

Ўртоқ **Н. Икромов** айтадики, «Оҳангарон» совхозининг Т. Назарова, У. Бекмуродова, С. Саидмуродова каби сут соғувчилари ўзларига биркитилган ҳар бош соғин сигирдан 1100-1200 литрдан сут соғиб олишга сўз берган эдилар. Яқинда улар қўшимча мажбурият олишди. Бунга кўра ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сут 1400-1500 литрга етказилиши керак.

Калинин районидаги Киров номли колхоз чорвадорларининг бутун областимизга намуна бўларли ишлари ҳақида ўртоқ **Н. Абдуллаев** хабар беради. Унинг кўрсатишига қараганда, ўтган йили ўртоқ У. Бўлисова ўз боқимидаги 11 бош сигирнинг ҳар биридан пландаги 3363 литр ўрнига 5258 литрдан сут соғиб олди. У бу йил яна ҳам юқорироқ кўрсаткичларга эришишга аҳд қилган.

Бироқ чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш ишига ҳамма колхозлар ҳам жиддий киришган деб бўлмайди. Гулистон, Чиноз районларидан юборилган хатлар фикримизнинг далилидир. Ўртоқ **Т. Рўзибоев** Гулистон районининг Фрунзе номли, Карл Маркс номли колхозларида чорва қишлови ёмон ўтказилгани, шу сабабли кўплаб қорамол ва қўйлар нобуд бўлгани ҳақида ёзади.

Шундай аҳволни Юқори Чирчиқ ва Чиноз районларидаги айрим хўжаликларда ҳам учратиш мумкин. Бу ҳақда **А. Баймаханов** ва **К. Довурбоев** ўртоқлар ёзиб юборганлар.

Шунингдек, газетхонлардан **Б. Умаров, М. Юсупов, Ҳ. Ҳоннозов, Б. Мирзаахмедов, Ҳ. Бутунбоев, Т. Маматқулов, А. Муҳаммаджонов, С. Ҳолназаров, С. Ҳайитқулов, И. Содиқов, Т. Хушназаров, К. Илёсов, Ж. Рисметов** ўртоқларнинг область колхозлари ва совхозларидан ёзган хабарларида соғин сигирлардан кўп сут соғиб олинаётганлиги, қўзилатиш кампанияси муваффақиятли ўтаётганлиги ҳикоя қилинади. Шу билан бирга, чорвачиликни ривожлантиришга жиддий эътибор бермаётган, ем-хашак базасини мустаҳкамлаш учун курашмаётган хўжаликлар танқид қилинган.

Чорвачилик маҳсулотларини узлуксиз равишда ошира бориш учун туёқлар сонини кўпайтириш, уларнинг наслини яхшилаш зарур. Бунинг учун дастлаб чорва моллари учун энг қулай жойлар қуриш ва мўл-кўл тўйимли озиқалар ҳозирлаш керак. Шундай қилинганда жонажон партиямизнинг гўшт, сут, ёғ, жун ва тухум сингари энг зарур маҳсулотларни кўпайтириш ҳақидаги тадбирларини амалга ошириб, мўл-кўл чорва маҳсулоти етиштиришга эришамиз. Ҳозирги куннинг муҳим вазифаларидан бири шу.

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

Токларнинг оидиум касаллиги билан зарарланишига йўл қўймайлик

Оидиум касаллиги токларда кўп учраб турадиган зararли касаллардандир. Ўтган йили областдаги кўпгина токзорлар шу касаллик билан зararланиши натижасида ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлди. Баҳорнинг илиқ келиши, ёғингарчиликнинг кўп бўлиб, ҳароратнинг паст бўлиши токзорларда бу касалликнинг кўплаб тарқалишига сабаб бўлди.

Бу йил ҳам ёғингарчиликнинг кўп бўлиши оидиум касаллигининг авж олиб кетиши хавфини тўғдирмоқда. Шунинг учун ҳам бу касалликнинг олдини олиш чораларини кўриш керак.

Оидиум касаллиги нима ва унга қарши қандай курашиш керак? Оидиум ёки уншудринг деб аталувчи бу касаллик одатда ток навдалари ёки зангларининг вегетатив органларида ривожланади. Кейинчалик узум бошларига кўчади. Токнинг баргларида кулга ўхшаш кўзга зўрга кўринадиган доғлар пайдо бўлади. Бу доғлар жигарранг тусда бўлиб, кейинчалик қизғиш жигарранг тусга айланиб кетади. Шикастланган навдалар суст ривожланади, баъзан қорайиб кетиб, айрим жойлари қуриб қолади. Оидиум касаллиги билан зararланган узум ғужумлари бужмайиб қурийди, тўкилиб кетади. Кечроқ шикастланган ғужумлар ўсаверади. Аммо кейинчалик ёрилиб кетади. Қаттиқ шикастланган узум бошларини бутунлай кулранг доғлар қоплаб олади. Бундай узумлардан чиринди ҳиди кела бошлайди. Шуни ҳам айтиш керакки, бу касалликнинг таъсири натижасида узум ғужмларининг шакар моддалари озайиб кетади, узумдан олинадиган виноннинг сифати паст бўлади.

Оидиум касаллигининг замбуруғлари токнинг барг ва навдаларида қишлайди. Кўкламда яна жонланиб касалликни тарқатувчи бирдан-бир манба бўлиб қолади. Агар бу касалликка қарши ўз вақтида курашилмаса, зararланган бир туп ток бутун токзорни зararлантириши мумкин. Шунинг учун токларни очиб, навдаларни бойлаш пайтида токни бир градусли ИСО дориси пуркаб дорилаш керак. Кейинчалик ўсиш даврида эса ҳосил бермайдиган ортиқча навдаларни яхшилаб ҳомток қилиш зарур. Бу ишларнинг ҳаммаси узумнинг гуллаш давригача бажарилиши шарт. Токлар шўралаб бўлгач ёки шўралашдан олдин янчилган олтин гугурт дориси билан чанглатилади. Иккинчи чанглаш биринчи чанглашдан 15 кун кейин ўтказилади. Токлар илгари оидиум касаллиги билан зararланган бўлса, шунингдек ёзнинг биринчи ярмида бу касалликнинг авж олишига қулайлик туғилса, бундай пайтда олдинги икки марта чанглатилганидан ташқари яна бир-икки марта (ҳар 10-15 кундан кейин) қўшимча чанглатиш лозим. Дори қўйидаги усулда тайёрланади: икки қисм олтин гугуртга бир қисм ўчирилган оҳак аралаштирилади. Бир гектар ердаги токзорни чанглатиб дорилаш учун 25 килограммдан то 45 килограммгача олтин гугурт ва ўчирилган оҳак аралашмаси сарф қилинади.

Одатда эрталаб, шамол бўлмаган ҳаво очиқ пайтларида токларни чанглатиш яхши натижа беради. Ток суғорилганидан сўнг ёки суғоришдан бир кун олдин дориланса, яна ҳам яхши бўлади.

Бундан ташқари токларни 0,5 градуслик оҳак аралашмаси билан ҳам пуркаш мумкин. Бунда бир гектар ерга минг литр суюқ дори аралашмаси сарф қилинади. Мобода ток кемирувчи ҳашаротлар билан зararланганлиги аниқланса, ИСО суюқлигига 20-30 грамм 5,5 процентли ДТ дусти қўшиш зарур.

Шундай қилиб, токларни оидиум касаллигидан сақлаб қолиш тадбирларини ўз вақтида амалга оширсак, мўл-кўл узум ҳосили бўлишини таъминлаган бўламиз.

Д. КОСИМОВ,
К. ОРИФХОНОВ.

КОЛХОЗДА ТАСВИРИЙ САНЪАТ МУЗЕЙИ

Суратда: колхоз тасвирий санъат музейи хоналаридан бири да. В. Салов фотоси.

Гиламлар тўшалган шинам хоналар бу ернинг янгигина очилган маданий муассаса эканлигидан далолат беради. Деворларга осиб қўйилган турли экспонатлар дарҳол диққатингизни тортади. Булар республикамиз рассомларининг турли темаларда яратган асарларидир.

Ўзбекистон рассомлар союзи Рассомлар куни муносабати билан ана шу асарларни Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозига совға қилиб, қишлоқда доимий тасвирий санъат музейи ташкил қилди. Музей учун алоҳида бино ажратилиб, экспонатлар 7 та хонага жойлаштирилди. Республикада биринчи ҳисобланган бу колхоз музейига 70 рассомнинг 120 дан ортиқ асари қўйилган. Булар орасида Ў. Тансиқбоевнинг «Мирзачўл», К. Чепраковнинг «Дам олиш куни», П. Ганнинг «Далада нонушта» полотнолари, Г. Карахан, Р. Аҳмедов, М. Саидов ва бошқаларнинг қишлоқ хўжалик темасидаги расмлари, А. Ошейко, В. Кедринниннг графика асарлари, А. Абдуллаев, Л. Агриян, Н. Кимларнинг республикамиз илғор кишиларига бағишланган портретлари ва бошқа экспонатлар бор.

Бундан ташқари музейга халқ усталари М. Қосимов, Т. Аҳмедов, А. Азимов ва бошқалар яратган амалий санъат намуналари ҳам қўйилган.

Н. НАСИМОВ.

Лотерея билетларининг ютуқлар тиражи

Оҳангарондаги Социалистик шаҳарчада жойлашган «Горняк» клуби байрамдагидек безатилган. 15- апрель куни клубга эрта тонгданоқ меҳнаткашлар кела бошладилар. Бу ерда эрталаб соат роса 10 да республикамизда чиқарилган 1959 йилги пул-буюм лотереясининг биринчи навбат ютуқлар тиражи бошланди. Саҳнага, тираж комиссияси столи олдига электр қуввати билан айланувчи тўрта барабан ўрнатилган. Барабанлар олдида эса шаҳар болалар боғчасининг тўрт кичкинтойи ўтирибди.

Тираж комиссиясининг раиси, меҳнаткашлар депутатлари Оҳангарон шаҳар Советининг раиси В. Лисин қисқача нутқ сўзлаб, ютуқлар тиражи бошланганини билдиради. Комиссия секретари ўйин тартибини тушунтиради. Барабанлар айланади. Кичкинтойлар «бахт гилдираги» ичидан биттадан патрон оладилар. Кетма-кет ютуқлар чиқа бошлайди. 00648 серияли 59- билетга 5 минг сўмлик Т-200 маркали моторолер чиқди. Раис 00984 серияли 176- билетга 2000 сўмлик «ЗИЛ» холодильниги чиққанини айтди. Ўйиннинг биринчи кунида тикув машиналари, фотоаппарат, қўл соатлари, телевизор ва бошқа қимматбоҳа буюмлар ютилди. 5 минг 265 сўмлик пианино 04849 серияли 016- билетга тўғри келди...

Ютуқлар тиражи бугун тамом бўлади.

М. РАҲИМОВ,
И. АҲМЕДОВ.

БОСИЛМАГАН ХАБАРЛАР ИЗИДАН

Бўлимда тартиб ўрнатилди

Редакциямизга келган хатларнинг бирида 4- «Боёвут» совхозининг 9-бўлимида бригада бошлиги вазифаларига ўрнашиб олган Тожимурот Эштоев, Ялқош Дўсматов, Қаҳҳор Мамаев ва Тоҳир Шодмоновларнинг совхоз ва умумдавлат манфаатларига путур етказадиган ҳатти-ҳаракатлари, айниқса бу йилги кўклам экиш ишларига халақит бераётганликлари тўғрисида хабар қилинган эди.

Боёвут район партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими мудири ўртоқ Рўзиниёзовнинг редакцияга билдиришича, хабарда келтирилган фактлар текширишда тўла тасдиқланган. Эштоев, Дўсматов ва Мамаевлар совхоз дирекцияси томонидан ишдан бўшатилиб, бригадаларга лаёқатли кадрлар бошлиқ қилиб тайинланган. Т. Шодмонов ҳақидаги масала бошланғич партия ташкилотида муҳокама қилинган ва унга партия йўли билан чора кўрилган.

Пойтахтимизнинг бир кўнги

Тошкентда Африка озодлиги кунига бағишланган йиғилиш

15 апрелда Тошкентда Африка озодлиги Кунига бағишланиб шаҳар жамоатчилигининг кўп кишилик йиғилиши бўлди. Бу кун ўтган йили эркин Гана пойтахти — Аккрада мустақил мамлакатларнинг Африка тарихидаги биринчи конференцияси қарорига мувофиқ, бутун прогрессив инсоният томонидан нишонланмоқда. Йиғилиш чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа қилиш Ўзбекистон жамияти ва Тинчликни ҳимоя қилиш республика комитети томонидан ташкил этилган эди.

Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа қилиш Ўзбекистон жамиятининг раиси Ш. К. Ширинбоев Африка мамлакатларида миллий озодлик ҳаракатининг кенг авж олиб бутун Африка қитъасига ёйилганлиги ва умумхалқ ҳаракати тусини олганлиги ҳақида сўзлаб берди.

Йиғилишда олимлар номидан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси шарқшунослик институтининг илмий ходими Г. А. Ҳидоятов, 1-пойафзал фабрикаси коллективидан Л. Мочалова, ёшлардан студент Г. Диматова, ўқитувчилар малакасини ошириш Республика институтининг ходими К. Холиқбердиевлар сўзга чиқдилар.

Якдиллик билан қабул қилинган резолюцияда йиғилиш қатнашчилари африка халқларининг озодлик ва мустақиллик ҳуқуқини кескин қўллаб-қувватлаб чиқдилар, кураш олиб борэётган Африка халқлари билан қардошларча бирдам эканликларини билдирдилар, империалистлардан ўз қўшинларини Африка мамлакатларидан дарҳол олиб чиқиб кетишларини талаб қилдилар. (ЎзТАГ).

Тошкентдаги 50- мактабнинг 3- «А» синф ўқувчиси Гули Бобожонова рус тилини жуда севади. У бу фандан доим аъло баҳо олиб ўқийди. Суратда: Гули Бобожонова рус тили дарсида.

И. Гильдин фотоси.

ЧЕВАРЛИК КАСБИНИ УРГАНДИЛАР

Тошкентдаги 5-техника билим юртини яқинда 100 тикувчи битириб чиқди. Тикувчи-ўқувчилар олти ой «Қизил тонг» ва 1-тикувчилик фабрикасида ишлаб чиқариш практикасида бўлдилар. Ёш чеварлар йўлланма олиб, ишлаш учун Самарқанд, Термиз, Бухоро, Андижон, Қўқон шаҳарларидаги тикувчилик фабрикаларига жўнаб кетдилар.

М. НИЕЗОВ.

Санъат ходимларининг маданият университети

Республика кинематография ходимлари Союзининг ташкилот бюроси ва Ўзбекистон ССР театр жамияти томонидан санъат ходимларининг маданият университети ташкил қилинди. Маданият университети санъат ходимларининг малакасини ошириш, санъатга доир масалалар юзасидан ижодий фикр алмашиш ва санъатни ривожлантиришга ёрдам беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Машғулотлар ойида икки марта бўлади.

Яқинда маданият университетининг биринчи машғулоти бўлди. Унда Ўзбекистон ССР Маданият министри ўртоқ Муҳамедов «КПСС XXI съезди қарорлари ва Ўзбекистонда санъатни ривожлантириш вазифалари» ҳақида лекция ўқиди. Бу биринчи машғулотга 120 санъат ходими қатнашди.

Университетнинг апрель, май ва июнь ойларига мўлжалланган программасида санъатнинг муҳим масалаларига бағишланган темаларда лекциялар ўтказиш кўзда тутилади.

З. АХТЯМОВА.

«Рабоче-крестьянский корреспондент» журнали ўқувчиларининг конференцияси

Яқинда Тошкент шаҳар партия комитетининг мажлислар залида «Рабоче-крестьянский корреспондент» журнали ўқувчиларининг конференцияси бўлиб ўтди. Залда саноат корхоналари, транспорт ва қурилиш ташкилотларининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари, пенсионерлар, студентлар, кўптиражли ва деворий газеталарнинг редакторлари ҳамда редколлегия аъзолари бор эди. «Рабоче-крестьянский корреспондент» журналининг бўлим мудири А. С. Кирюшин КПСС XXI съезди ва ишчи мухбирларнинг вазифалари ҳақида доклад қилди.

Музокарада сўзга чиққан «Фрунзевец» газетасидан Агапов, «Голос текстильщика» газетасидан Федоров, «Таштекстильмаш» заводининг токари Цин, «Ташсельмаш» заводининг слесари Клементьев, пенсионер Огашева, САГУ студенти Ҳамидов ва бошқа ўртоқлар «Рабоче-крестьянский корреспондент» журнали ишларини янада яхшилашга қаратилган бир қанча қимматли таклифлар киритдилар.

ИШЧИ СОЗАНДАЛАР

«Октябрь революцияси» номли паровоз-вагон ремонт заводида ўзбек созандаларни тўғараги ташкил қилинди. Тўғарак машғулотларига завод ёш ҳаваскорларидан 15 киши иштирок этмоқда. Завод касаба союз маҳаллий комитети турли чолғу асбоблари сотиб олиш ҳамда тўғарак қатнашчиларига кийим-кечаклар тиктириш учун 7 минг сўмдан ортиқ маблағ ажратди. Янги ташкил қилинган бу тўғарак иштирокчилари ўзбек, рус, ҳинд, украин ашула ва рақсларини ўрганмоқдалар.

С. УСМОНХЎЖАЕВ.

Билимдон ва меҳнатсевар болалар

Пионерлар саройи биносига кириб, ўнг томонга бурилсангиз ёш табиатшунослар хонаси. Хонада табиатнинг турли бойликлари кўзга ташланиб турибди. Ўсимлик гербарийлари, ранг-баранг тошлар, қафасларда сайраётган турли-туман қушлар, аквариумларда сузиб юрган балиқлар диққатингизни тортади.

Навбатдаги машғулот пайти. Ҳар бир боланинг ўз вазифаси бор. Бири картограф, бири уруғчи, яна бири энтомолог. Тўғарак раҳбари Т. Арунов сўзи билан айтганда, булар «ёш илмий ходимлардир».

— Ўтган йили, — дейди Т. Арунов бизни тўғарак ишлари билан таништирар экан, — Москва, Ленинград ва Тошкентнинг ботаника боғларига ҳамда илмий-текшириш институтларига бир неча минг дона турли доривор ўсимликлар тўплаб бердик. Тўғарак аъзолари етиштирган «Юннат Узбекистана» навли буғдой олимларимиз томонидан ўрганилмоқда.

— Мана булар, — деворга ишора қилиб, сўзинда давом этди ўртоқ Аруно — ёш табиатшуносларимиз самарали меҳнатларининг натижасидир.

Девордаги рамкаларда бир неча мақтов ёрлиғи ва баъзи олимлардан олинган хатлар бор эди.

Тўғаракнинг актив аъзоларикўчат ўтқазиш ишларига ҳам актив қатнашдилар. Улар пойтахтимизни янада кўкаламзорлаштиришга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Москвадаги Ленинские Горининг гуллар билан яшнаган истироҳат боғида ҳар йили кўкламда қулф уриб очиладиган Ўзбекистон лолаларини ҳам ана шу ёш моҳирлар

Суратда: пионерлар саройининг бичиш ва тикиш тўғарагида машғулот пайти. И. Бабленко фотоси.

дан О. Раҳимбоев, Г. Қодиров, В. Ивановлар ҳаммага ўрнак бўларли ишлар қилмоқдалар. В. Исҳоқов ва Н. Аҳмедхўжаевлар эса Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг қатнашчиларидир.

Ёш табиатшуносларнинг бу ердаги машғулотларидан ташқари экскурсияга борганларида ўтказганлар.

Тўғарак аъзолари ўтган йили Амударё ва Орол денгизи бўйлаб саёҳат қилдилар. 46 кунлик саёҳат даврида ёш табиатшунослар дарё оқимини ва ундаги балиқ турларини аниқладилар, тўқайзорларни ўргандилар, қадимий шаҳарлардан бири Хиванинг тарихий-маданий ёдгорликлари билан танишдилар. Бундай экскурсия-походлар тез-тез бўлиб туради.

Табиатшунослар олдидан чиқиб, каштачилик ва бичиқчилик тўғараги жойлашган хонага кирдик. Тўғарак аъзолари — жажжи қизчалар ўз хоналарини шинам қилиб безатишибди. Чеварлар тиккан турли каштачилик буюмлари, қизларнинг ҳар хил размердаги мактаб формалари, кўйлак ва фартуқлар чиройли, бежирим тикилган. Кўпгина қизлар ўзларига кўйлак ва мактаб формаси тикиб ҳам олишган. 7-синф ўқувчиси Галя Голушка кўйлак тикиб берганида онаси жуда севинибди.

Пойтахтимиздаги тажрибали ва ишчан педагоглар ишлаётган Н. Крупская номли пионерлар саройи ёшларга билим ва ҳунар ўргатиш жойига айланган. Бу ерда болалар истаган касбларини эгаллайдилар, маданий дам оладилар. Ҳозир саройда 24 та тўғарак ишлаб турибди. Бу тўғараклардаги машғулотларга 1000 дан ортиқ ўқувчи қатнашаётир. Пионерлар саройи коллективи ёш авлодни коммунистик ахлоқ руҳида, билимдон ва меҳнатсевар қилиб тарбиялашга катта ҳисса қўшмоқда.

А. АБДУРАҲМОНОВ

ПОЛЬШАДА ЛЕНИН КУНИГА ТАЙЁРГАРЛИК

ВАРШАВА, 15 апрель. (ТАСС). В. И. Ленин туғилганига 22 апрелда 89 йил тўлиши муносабати билан Польшада Ленин кунлари бошланмоқда.

Польша-Совет дўстлиги жамияти мамлакатнинг бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда ташкил этган бу кунларга Варшава, Краков ва Поронинодаги В. И. Ленин музейлари катта тайёргарлик кўрди. Бу музейларда В. И. Ленинга бағишланган махсус виставкалар очилди, халқаро ишчилар ҳаракатининг улуғ йўлбошчиси Ленининг ҳаёти ва революцион фаолияти тўғрисидаги, шунингдек Владимир Ильичнинг Польшада бўлиши тўғрисида лекциялар ўтказилмоқда.

Польша-Совет дўстлиги жамиятининг мактабларида ва клубларида, шунингдек корхоналарда, муассасаларда, маданият уйларида В. И. Ленинни эслаш кечалари ўтказилади. Бу кечаларда партиянинг энг кекса аъзолари, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг қатнашчилари иштирок қиладилар.

Кўп кутубхоналарда Ленин кунларига бағишланиб В. И. Ленин асарларининг виставкалари ташкил этилди.

Польшада Ленин кунларини ўтказишда ўқувчи ёшлар актив қатнашмоқдалар. Кўп мактабларда бадиий кечалар, конкурслар ва шу кабилар тайёрланди.

В. И. Ленин номидаги металлургия комбинатида катта тантанали кеча ўтказилади. Бу саноат корхонасининг коллективи Владимир Ильич туғилган куннинг 89 йиллигини ва Ленин номидаги бу комбинатнинг ўн йиллигини нишонлайди.

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ДАВЛАТ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИДА

ПЕКИН, 15 апрель. (ТАСС). Синьхуа агентлиги хабар беради: 15 апрелда Хитой Халқ Республикасининг раиси Мао Цзэ-дун Олий давлат кенгашининг 16- кенгайтирилган мажлисини чақирди.

Мажлисда давлат раҳбарлари, Хитой халқ сиёсий маслаҳат кенгаши Умум Хитой комитетининг, Хитой Коммунистик партиясининг, демократик партиялар ва группаларнинг, халқ ташкилотларининг масъул ходимлари, шунингдек жамоат турли табақаларининг машҳур вакиллари — ҳаммаси бўлиб 106 киши ҳозир бўлди.

Мажлисда халқ вакиллари иккинчи чақириқ Умум Хитой мажлиси биринчи сессиясининг кун тартиби ва президиумнинг составини ҳақида фикрлашиб олинди. Мажлисда халқ вакиллари иккинчи чақириқ Умум Хитой мажлисининг биринчи сессиясида давлат органлари раҳбарлигига кўрсатиладиган кандидатларнинг рўйхати масаласи ҳамда учинчи чақириқ халқ сиёсий маслаҳат кенгаши Умум Хитой комитетидаги раҳбар ходимларнинг мансабларига кандидатлар рўйхати масаласи муҳокама қилинди. Бу рўйхат учинчи чақириқ халқ сиёсий маслаҳат кенгаши Умум Хитой комитетининг биринчи сессиясида кўрсатилади.

Мажлисда раис Мао Цзэ-дун сўзга чиқди. У ўз нутқида халқаро вазиятга ва ички аҳволга тўхталди, шунингдек Тибет масаласи ҳақида гапириб ўтди.

Африканинг озодлик куни муносабати билан Куаме Нкруманинг айтганлари

ПЕКИН, 15 апрель. (ТАСС). Синьхуа агентлигининг мухбири Аккрадан хабар беради: Гана бош министри Куаме Нкрума Африканинг озодлик куни муносабати билан кеча радио орқали сўзлаб, Африка қитъасида лоақал битта мустамлакачи қолса ҳам, Африкадаги ҳар бир мустақил давлатнинг озодлигига ва хавфсизлигига нисбатан агрессия қилиниш таҳдиди давом этаберади, деди.

«Биз, Африка бошқа бирор қитъанинг бир бўлаги деган фикрни рад қилмиз, деб давом қилди Куаме Нкрума. — Африканинг бирор қисмини империалистлар босиб ва аннексия қилиб олганлиги натижасида қитъамизнинг шу қисми Европанинг таркибий қисми бўлиб қолган, деб қилинаётган даъволарни ҳам бутунлай рад этамиз».

Нкрума айтдики, мустамлакачиларнинг Африкадаги зўр озодлик тўлқинини гўҳтатиб қолмоқ учун қилаётган қаттиқ уринишлари, ўзларининг ўз ерларида озод бўлиш ва ўз инсоний фазилатларини сақлаб қолиш учун курашаётган африкалик ватанпарварларнинг фожиона ҳалок бўлаётганлиги ва тортган азоблари озодлик оловининг алангасини тағин ҳам кучайтириб юборди. «Африка,— деди у, — ҳеч шубҳасиз, озодлик сари бормоқда».

УММОН КУРАШНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

ҚОҲИРА, 15 апрель. (ТАСС). Уммоннинг Қоҳирадаги вакиллиги эълон қилган баёнотда айтиладики, мамлакатдаги ҳақиқий аҳвол тўғрисида ёзилган хабарларни Уммондан четга чиқармасликка инглиз мустамлакачи маъмурлари зўр бериб ҳаракат қилаётганликларига қарамай, вакиллиқнинг мухбирлари Уммондаги кейинги воқеалар тўғрисида ўз хабарларини юборишга муваффақ бўлдилар.

Бу хабарларда айтилишича, Уммон ватанпарварлари билан инглиз қўшинлари ўртасидаги жанглар тобора кенгаймоқда. Кейинги вақтларда бу жанглар натижасида инглиз солдатларидан 40 киши ўлдирилди. Уммонликлар қўйган миналар портлаб, инглиз автомашиналаридан бир нечаси емирилди.

«Уммон, дейилади баёнотда, курашни ғалабагача давом эттиришга ҳозир ҳар қачонгидан ҳам кўра кўпроқ интилмоқда».

ДАЛЛЕСНИНГ ИСТЕЪФО БЕРГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА ЭЙЗЕНХАУЭРНИНГ АЙТГАНЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 15 апрель. (ТАСС). Президент Эйзенхауэр Огастада (Жоржия штати) мухбирларга, рак касали билан оғриб ётган Даллес АҚШ давлат секретари вазифасини бундан буён бажаришга мутлақо қодир бўлмай қолди, деди. Президент, яқин фурсатда Даллеснинг ўрнига одам тайинламоқчи бўлганлигини айтди. У, давлат секретари вазифасини шу вақтгача бажариб келаётган давлат секретарининг ўринбосари Кристиан Гертер бу вазифага тайинланадими, деган саволга жавоб бермади.

АМЕРИКА «АТЛАС» РАКЕТАСИНИ УЧИРИШ МУВАФФАҚИЯТСИЗ БЎЛИБ ЧИҚДИ

НЬЮ-ЙОРК, 15 апрель. (ТАСС). Информация агентликларининг берган хабарларида айтилишича, кеча Канаверал бурунидаги (Флорида штати) синов полигонида энг кейинги нусхадаги қитъалараро «Атлас» ракетасини учиришга уриниб кўрилган эди. Ракетани колтроль қилиш мумкин бўлмай қолди ва у учирилганидан сўнг бир неча секунд ўтгач портлаб кетди.

Франс пресс агентлигининг айтишича, «Атлас» ракетасини учириш бу билан сурункасига учинчи марта муваффақиятсизликка учради.

СПОРТ

ВОЛЕЙБОЛ БЎЙИЧА СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН

Тошкентда «Б» класси» командаларининг (Ўрта Осиё зонаси) волейбол бўйича мамлакат биринчилиги учун ўтказилган мусобақаси тамом бўлди. Бунда Олмаота, Ашхобод, Фрунзе, Сталинобод, Тошкент, Иркутск ва Грозний шаҳарлари физкультура коллективларининг хотин-қизлар ва эркаклардан иборат 12 команда ва команда қатнашди. Хотин-қизлар командалари орасида Иркутск волейболчилари биринчи ўринни, Фрунзе команда иккинчи ўринни олди. Грозний педагогика институти спортчилари эркаклар командаси орасида ғолиб чиқди. Олмаоталиклар иккинчи ўринни олдилар. Ана шу тўрт командага шу йил 19 апрелдан 24 апрелгача Саратов шаҳрида ўтказиладиган финал мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқи берилди.

Ўрта Осиё Давлат университети эркаклар командаси ва физкультура институти спорт клубининг хотин-қизлар командаси учинчи ўринни эгаллади.

А. ТУИЛИЕВ.

Телевизор экранида

17 АПРЕЛДА

19.30. Саноат ходимлари учун рус тилида эшиттириш.
19.45. Бадиий фильм — «Ленин Октябрда».
21.55. Сўнгги ахборот.
22.15. «СССР халқ артистлари» циклидан Комил Ёрматов ижодига бағишланган эшиттириш.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Тошкентнинг тамоша заларида

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/IV да **Холисхон**, 18/IV да **Йўлчи юлдуз**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА— 17/IV да **Зайнаб ва Омон**, 18 ва 23/IV да янги спектакль **Демон**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/IV да **Нурхон**, 18/IV да **Ватан ишқи**.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 18 ва 19/IV кеч соат 8 яримда **Ўзбекистон санъат усталари концерти**. Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Аттракционлар: **Тереза Дурова** ўргатган ҳайвонлари билан, **Доғистон «Цовкра» дорбозлари**, полвон **Рублев** ва бошқа номерлар. Тамоша кеч соат 8 да бошланади.

«ВАТАН» — кундуз ва кечқурун янги кенг экранли фильм **Булутли тонг** (3- серия).

«ФЕСТИВАЛЬ» кинотеатри (ёзги «Искра») — кеч соат 8 яримда кенг экранли фильм **Булутли тонг** (3- серия).

«ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун янги кинопоэтесть **Ғилдираклар овози остида**.

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 да **Узоқ орол сири**, кундуз ва кечқурун янги бадиий фильм **Буни унутиб бўлмайди**.

«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» — кундуз ва кечқурун **Ғилдираклар овози остида**, кеч соат 5 да **Мафтунингман**.

ФРУНЗЕ номли — кеч соат 8 яримда **Мафтунингман**.

Кинофильмлар прокати Ўзбекистон конторасиреспублика киноустановкалари экранига

янги хроникал-ҳужжатли, илмий-оммабоп ва ўқув ФИЛЬМЛАРИ ЧИҚАРДИ

МАНЗАРАЛИ ФИЛЬМЛАР:
Биз Байкал ортида яшаймиз.
Қуёшли ўлкада.
Қуёш остидаги йул.
Совет Удмуртияси.
Берген Осло.

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ ҲАҚИДА..
Рекордчиларимиз.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ҲАҚИДА:
Тўкин куз.
Илғор чорвадорлар ҳузуида.
Сабзавот сақлаш.
Сибирда ҳам маккажўхори сади.
Сорго.
Суғоришни механизациялаш.
Ўсимлик оқсил моддалари — молларга.
Қишлоқ хўжалигида микроэлементлар.
«Авангард» колхози.
Чўчқаларда сарамас ва ўлат касали.
Лўвия.

МАДАНИЯТ, САНЪАТ ВА ТАЪЛИМ ҲАҚИДА:
Ҳаёт сари йўл.
Дрезден гравюра кабинети.
Немис санъати.
Араб Шарқи санъатда ва маданият ёдгорликларида.
Шекспир мемориал театри Москвада.
Қадимги Миср санъати.

КПСС XXI СЪЕЗДИ ҲАҚИДА:
Коммунизм қурувчилар съезди.

Махсуслаштирилган **монтаж-ремонт-қурилиш конторасиБУЮРТМАЧИЛАР** материалидан **АШҚИ КАНАЛИЗАЦИЯ, ВОДОПРОВОД ВА ИСИТИШ, ШУНИНГДЕК ЭЛЕКТРОМОНТАЖ** ишларини бажариш учун **шартномалар тузади**

Адрес: Тошкент шаҳар, Олмазор кўча, 67-уй. Телефон — 42-885, 42-865.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 26 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808 136, Совет қурилиши бўлими — 136, Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 137. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135 Саноат ва транспорт бўлими, маданият бўлими, — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 34048, 132. Секретариат — 29040, 115. 50. Эълонлар бўлими — 28142.

Р 00942. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Б. 1573.